Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган. ◉ № 285 (6. 774) ◉ 1988 йил 13 декабрь, сешанба ◉ Баҳоси 3 тийин

XXVI Тошкент шаҳар партия конференцияси

Комиссия раиси, Куйбишев район Совети ижроия комитетининг раиси Ш. Т. НУСРАТОВ Тошкент шаҳар партия ташкилоти ревизия комиссиясининг XXVI шаҳар партия конференциясига ҳисобот докладини қилди.

Тошкент шаҳар партия ташкилоти ревизия комиссияси бажарилган ишлар ҳақидаги ҳисоботни партия конференцияси тасдиқлаши учун тақдим этар экан, ҳисобот даврида ревизия комиссиясининг асосий диққат-эътибори КПСС аъзоларининг масъулиятини оширишга, партия аъзолиги бадалларининг тўланиши, қабул қилиниши ва ҳисоб-китоби аҳволи устидан назоратни амалга оширишга, шаҳар партия комитетида, «Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» газеталари редакциясида ҳужжатлар ўтишининг белгиланган тартибига риоя қилинишига, меҳнаткашларнинг хат ва шикоятлари билан ишларни текширишга қаратилганлигини қайд этиб ўтиш лозим, деб ҳисоблайди.

[Давоми 2-бетда].

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИНИНГ АЪЗОЛАРИ ЭТИБ САЙЛАНГАН КОММУНИСТЛАР

рўйхати

АБДУЛЛАЕВ Марат Носирович — Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети капитал қурилиши Бош бошқармасининг бошлиғи.

АДАМОВ Леон Тигранович — Тошкент бош плани илмий тадқиқот ва лойиҳалаш институтининг директори.

АЗАМАТОВ Эргаш Алимович — 2-автопарк ҳайдовчиси.

АЛАВУТДИНОВА Васила — Ўзбекистон Компартияси Фрунзе район комитетининг биринчи секретари.

АЛИЕВ Мансур Маҳмудович — Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети раисининг ўринбосари.

ОЛИМЖОНОВ Зокиржон — Ўрта Осиё темир йўли бошқармаси Тошкент бўлими бошлиғининг биринчи ўринбосари.

АНОРБЕКОВ Равшан Улмасович — «Промстройиндустрия» бирлашмасининг газ электр пайвандчиси.

АНДРИЯНОВА Вера Викторовна — Тошкент булка-кондитер комбинатининг қадоқловчиси.

АНТОНОВА Екатерина Лаврентьевна — телеграф-телефон станциясининг электр монтёри.

АРДАТОВ Владислав Дмитриевич — Ўзбекистон Компартияси Ленин район комитетининг биринчи секретари.

ОРИПОВ Ҳусниддин Сирожиддинович — Ўзбекистон Компартияси Октябрь район комитетининг биринчи секретари.

АРСЛАНОВА Зилина Салимзяновна — Тошкент агрегат заводининг чархловчиси.

АСҚАРОВ Озод Хожиевич — Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитетининг иккинчи секретари.

АСҚАРОВА Фарида Хожидедовна — Ўзбекистон ҳисоблаш техникаси ва информатикаси ишлаб чиқариш бирлашмасининг инженер-созловчиси.

АҲМЕДОВ Даврон Насриддинович — Ўзбекистон «Кибернетика» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси ихтисослаштирилган лойиҳа-конструкторлик бюросининг директори.

АҲМЕДОВ Тимур Мамажонович — Ўзбекистон Компартияси Собир Раҳимов район комитетининг биринчи секретари.

ОХУНЖОНОВ Собир Собирович — уруш ва меҳнат ветеранлари Тошкент шаҳар Советининг раиси.

ОХУНЖОНОВ Ҳикматулла Ёқубович — Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети раисининг ўринбосари.

БЕГАЛИЕВ Камолтой Қашқартоевич — «Средазкабель» ишлаб чиқариш бирлашмаси партия комитетининг секретари.

БЕЛОБРОВА Елена Алексеевна — «Отделстрой» трестининг сувоқчиси.

БЕЛОВ Виктор Павлович — Тошкент қурилиш материаллари комбинатининг хом ашё тайёрловчиси.

БОЙСАРОВ Баҳодир — «Таштекстильмаш» заводининг қуювчиси.

БОКАРЕВА Наталья Юрьевна — В. П. Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси елимловчиси.

ВАЛЕТОВА Людмила Александровна — «Средазэлектроаппарат» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг электр монтажчиси.

ВОЛКОВА Анна Николаевна — 195-мактаб ўқитувчиси.

ҒОЗИНАЗАРОВ Улуғбек Атҳамович —Тошкент бирлашган авиаотрядининг командири.

ҒАЛИМЗЯНОВА Рамзия Каримовна — «Ташгорстрой»нинг 2-уйсозлик комбинати мастери.

ҒАФУРОВ Садритдин Баҳритдинович — «Ташинжстрой» трестининг бригадири

ГОЛОВ Дмитрий Георгиевич — экскаваторлар ишлаб чиқариш бўйича Тошкент ишлаб чиқариш бирлашмасининг слесари.

ГРИГОРЬЯН Галина Арсентьевна — Тошкент «Малика» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмаси партия комитетининг секретари.

ҒУБИНА Евгения Александровна — Тошкент тўқимачилик комбинати 2-йигирув-тўқув фабрикасининг тўқувчиси.

ҒУЛОМОВ Ҳамидулла Ҳабибуллаевич —«Ташхлопок» ишлаб чиқариш давлат бирлашмасининг бош директори.

ҒУЛОМОВА Дилбар Муҳамедовна — Тошкент область касаба союзлари Советининг секретари.

ДАВЛЕТОВА Аминам Сабитовна — «Ўзбекистон» кўн бирлашмасининг кесувчиси.

ЖАЛИЛОВ Абдулаҳат Туропович — Тошкент политехника институтининг ректори.

ЖУРАБЕКОВА Хатима Хожиакбаровна—«Компрессор» заводининг аппаратчиси.

ДМИТРИЕВ Валентин Николаевич — Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ташкилий бўлимининг мудири.

ЕМЕЛЬЯНОВ Николай Иванович — Ўзбекистон Компартияси Куйбишев район комитетининг биринчи секретари.

ЕФРЕМОВ Борис Владимирович — Ўзбекистон Компартияси Чилонзор район комитетининг биринчи секретари.

ЖУРАВЛЕВ Василий Николаевич — В. П. Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори.

ЗОКИРОВ Тоҳир Обидович — «Ташгорстрой»нинг 12-трести бош инженери.

ЗАКРИТНАЯ Галина Федоровна — Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллиги номидаги тикув ишлаб чиқариш бирлашмасининг кесувчиси.

ЗОҲИДОВА Вазира Мирхолидовна — Тошкент металлга қайта ишлов бериш ишлаб чиқариш бирлашмасининг бўёқчиси.

ЭРГАШЕВ Ботир — Тошкент тўқимачилик комбинатининг бош директори.

ИСАЕВА Лариса Ивановна — «Учқун» тўқимачилик-галантерея ишлаб чиқариш бирлашмасининг тикувчи-моториcткаси.

ИСАМУҲАМЕДОВ Аҳмаджон Ҳакимович —3-автокомбинат ҳайдовчиси.

ИСАМУҲАМЕДОВ Ҳабибулла Олимжонович— тепловоз депосининг тепловоз машинисти.

ИСМОИЛОВ Олимжон Жўраевич — Чилонзор район Совети ижроия комитетининг раиси.

ҚОЗОҚБОЕВ Тўлқин Муҳиддинович — «Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» газеталарининг редактори.

КАМОЛОВ Вячеслав Мухторович — Ўзбекистон ССР Давлат хавфсизлиги комитети раисининг биринчи ўринбосари.

КАМОЛОВ Хожиакбар Камолович — шаҳар халқ контроли комитетининг раиси.

КАРАБАСОВ Сергей Владимирович — «Ўзсантехгазмонтаж» трести 1-монтаж бошқармасининг слесарь-сантехниги.

КАРИМОВА Мамлакат Назаровна — «Ташгоршвейбит» бирлашмасининг бичикчиси.

ҚАЮМОВА Гўзал Илғоровна — «Чилонзор» Марказий универсал магазинининг сотувчиси.

КИЯКИНА Татьяна Михайловна — «Таштеплосеть» бирлашмасининг электр слесари.

КЛАПУШЕВСКИЙ Владимир Филиппович — Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети Ички ишлар бошқармасининг бошлиғи.

КЛЕСТОВ Леонид Владимирович — 2-автокомбинат партия комитетининг секретари.

КОВРЕГИН Олег Иванович — Сергели бирлашган авиаотряди звено командири.

КОНСТАНТИНОВ Василий Филиппович — 1-автокомбинат ҳайдовчиси.

КОРОЛЕВ Виктор Сергеевич — Туркистон ҳарбий округи қўшинлари қўмондонининг ўринбосари.

КОРШУКОВА Людмила Анатольевна — бош кийимлар фабрикасининг назоратчиси.

КОСТИН Леонид Андреевич — Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети раисининг ўринбосари.

КРИСИН Анатолий Федорович — Ўзбекистон Компартияси Собир Раҳимов район комитетининг иккинчи секретари.

КУДРЯШОВА Надежда Ивановна — «Ташавтоматика» заводининг электр монтажчиси.

ҚУЛМАТОВ Анвар Ёқубович — 8-трест комплекс бригадасининг бригадири.

КУКСИН Василий Геннадьевич — Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети трамвай-троллейбус ишлаб чиқариш бошқармасининг ҳайдовчиси.

КУТКОВ Александр Иванович — ҳарбий хизматчи.

ЛИМАН Александр Маркович — «Ташсельмаш» ишлаб чиқариш бирлашмасининг слесари.

ЛИСУХИН Александр Васильевич — В. И. Ленин номидаги Тошкент олий умумқўшин командирлари билим юртининг бошлиғи.

ЛИЧАГИНА Нина Ивановна — Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ҳузуридаги партия тарихи институтининг катта илмий ходими.

ЛЮСТЕР Георгий Борисович — «Ташметрострой» трести лаҳимчилар бригадасининг бошлиғи.

МАВЛОНХЎЖАЕВ Алишер Хайритдинович — 3-уйсозлик комбинатининг бригадири.

МАНАСОВ Анатолий Александрович — Ўзбекистон Компартияси Сергели район комитетининг биринчи секретари.

МАСЛОВА Елена Павловна — Тошкент грамм-пластинкалар заводининг иш тақсимловчиси.

МЕДВЕДКОВА Нина Ивановна — «Ўзбексельмаш» ишлаб чиқариш бирлашмасининг токарь-автоматчиси.

МЕДНИКОВ Геннадий Иванович — Акмал Икромов район Совети ижроия комитетининг раиси.

МЕРКУШКИН Сергей Лукянович — «Технолог» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг моделчиси.

МИРҲЎЖАЕВ Соқи — Тошкент Давлат медицина институти 1-клиникасининг бош врачи.

МУЙДИНОВА Мамлакат — Тошкент кўн галантерея ва спорт товарлари ишлаб чиқариш бирлашмасининг фурнитураларни маҳкамловчиси.

МУҚИМОВА Муқаддам Муҳитдиновна — «Ташкентхлебпром» ишлаб чиқариш бирлашмасининг қолиповчиси.

МУРТАЗОЕВ Икром Қаюмович — Тошкент шаҳар комсомол комитетининг биринчи секретари.

МУСАЕВА Сабоҳат Султонмуродовна — «Чевар» тикув ишлаб чиқариш бирлашмасининг тикувчи моториcткаси.

НАЖМИТДИНОВ Фазлитдин Насриддинович — Ўзбекистон Компартияси Ҳамза район комитетининг биринчи секретари.

НАСИРДИНОВА Парида Маматовна — «Ўрток» кондитер фабрикаси ўраш машиналарининг машинисти.

НИЗОМОВ Шавкат Ҳасанович — Фрунзе район Совети ижроия комитетининг раиси.

НОРМУҲАМЕДОВ Маҳмуд Дўсматович — 159-трест бошқарувчиси.

НУРДИНОВ Бенадир Валиевич — Ўзбекистон ССР Давлат хавфсизлиги комитети партия комитетининг секретари.

НУСРАТОВ Шуҳрат Туҳфатович — Куйбишев район Совети ижроия комитетининг раиси.

ОСМИНИН Валерий Александрович — Ўзбекистон ССР Давлат план комитетининг ҳисоблаш марказли экономика ва нормативлар институти директори.

ПАРФЕНОВ Сергей Иванович — Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети Тошкент трамвай-троллейбус ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи.

ПАСКОННАЯ Галина Викторовна — пассажирларга хизмат кўрсатиш бўйича хўжалик ҳисобидаги Тошкент дирекциясининг билетлар кассири.

ПЕНЯР Нина Михайловна — «Миконд» заводининг мастери.

ПЛЕШАКОВ Владимир Михайлович — Ўзбекистон Компартияси Фрунзе район комитетининг иккинчи секретари.

ПЎЛАТОВА Марҳамат Зокировна — Тошкент бадиий буюмлар фабрикасининг попопчиси.

РАСУЛОВ Карим Расулович — Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитетининг секретари.

РАФИҚОВ Қудрат Мирсоатович — Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети раисининг ўринбосари.

РАҲИМБЕРДИЕВ Неъматжон Раззоқович — Собир Раҳимов район Совети ижроия комитетининг раиси.

РИЗАЕВ Эрнест Алиевич — Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети раисининг биринчи ўринбосари.

САЛАБАЕВА Галина Васильевна — 10-поликлиниканинг бош врачи.

СОЛИҲОВ Абдуғаппор Мухторович — Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети идеология бўлимининг мудири.

СОЛИҲОВ Қудратулла Абдуллаевич — Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети раисининг биринчи ўринбосари, план комиссиясининг раиси.

САТИН Борис Федорович — Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитетининг биринчи секретари.

САФИН Ядгат Гизатович — 159-трестнинг электр пайвандчиси.

СИНЦОВА Любовь Ивановна — 1-пойафзал фабрикаси заготовкачиси.

СТРЕЛЬНИКОВ Юрий Егорович — илмий ишлаб чиқариш бирлашмасининг термисти.

СУДИРОВА Саноат Зиёдуллаевна — сут ишлаб чиқариш бирлашмасининг аппаратчиси.

ТАТЕОСОВ Валерий Георгиевич — электронтехника ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори.

ТЎХТАХЎЖАЕВА Миновар — Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институтининг илмий ишлар бўйича проректори.

ТЎЛАХЎЖАЕВ Туроб (Туроб Тўла) — ёзувчи.

ТЎЛАГАНОВ Козим Носирович — «Ташгорстрой» территориал қурилиш бирлашмаси бошлиғи вазифасини бажарувчи.

ТУРСУНОВ Рақматулла Қўчқорович — Ўзбекистон Компартияси Тошкент область комитети ташкилий-партиявий ва кадрлар билан ишлаш бўлимининг мудири.

ТУРСУНОВА Иброҳат Анваровна — Тошкент «Малика» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмасининг тўқувчиси.

УМАРОВ Адиб Анварович — Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети архитектура-планлаштириш Бош бошқармасининг бошлиғи.

УМАРОВ Қодир — 4-трест комплекс бригадасининг бригадири.

УМАРОВА Муқаддам Мажидовна — Ўзбекистон Компартияси Киров район комитетининг биринчи секретари.

УСМОНОВА Ҳалима Меликўзиевна — Октябрь район Совети ижроия комитетининг раиси.

ФАЙЗИЕВ Одилжон Раҳматович — «Ташигрушка» фабрикасининг прессловчиси.

ФАЙЗИЕВ Шавкат Муратович — «Ташсельмаш» ишлаб чиқариш бирлашмаси партия комитетининг секретари.

ФАТТОҲОВ Шавкат Ҳакимович — Тошкент шаҳар территориал моддий-техника таъминоти бошқармасининг бошлиғи.

ФЕДОРОВА Светлана Дмитриевна — Ўзбекистон «Эталон» ишлаб чиқариш бирлашмасининг слесари.

ФРОШГЕЙЗЕР Владимир Владимирович — «Компрессор» заводининг директори.

ФУЖЕНКО Иван Васильевич — Туркистон ҳарбий округи қўшинлари қўмондонининг биринчи ўринбосари.

ҲАБИБУЛЛАЕВ Мухтор — 11-трест қурилиш бошқармасининг бошлиғи.

ҲАЙДАРОВ Тўйчи — Ўзбекистон Компартияси Акмал Икромов район комитетининг биринчи секретари.

ҲАМИДОВ Жаҳонгир — Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Президиумининг биология фанлари бўлимининг академик-секретари.

ҲАСАНОВ Уткир Ҳамитович — Ўзбекистон ССР ҳарбий комиссарининг ўринбосари.

ҲИКМАТОВ Шукурилла — Ленин район Совети ижроия комитетининг раиси.

ҲИКМАТУЛЛОЕВ Рўзи — Киров район Совети ижроия комитетининг раиси.

ХЎЖАЕВА Мадина Исломовна — Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг директори.

ЦВЕТКОВА Елена Ивановна—Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети умумий бўлимининг мудири.

ЧЕВТАЕВА Тамара Викторовна — 243-граждан авиацияси заводининг маҳсулот нуқсонларини аниқловчиси.

ЧЕРВОВ Виктор Фёдорович — Тошкент олий партия мактаби партия комитетининг секретари.

ШОАБДУРАҲИМОВ Шоиноят — Тошкент метрополитенининг бошлиғи.

ШАБАНОВА Александра Григорьевна — Октябрь революцияси номидаги тепловоз ремонти заводининг изолировкачиси.

ШОҚОДИРОВ Абдулаҳат Исроилович — 1-уйсозлик комбинати бетончилар бригадири.

ШАЛУПОВ Владимир Афанасьевич —Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ҳузуридаги партия комиссиясининг раиси.

ШАМСУТДИНОВА Маулия Ҳасановна — «Ташпромстрой» трестининг сувоқчиси.

ШЕВЕЛЕВА Галина Викторовна — В. П. Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси партия комитетининг секретари.

ШЕВЕШОВА Вера Михайловна — Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллиги номидаги тикув ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директори.

ШТЕРН Геннадий Яковлевич — «Ташметрострой» трестининг бошқарувчиси.

ЙЎЛДОШЕВ Баҳодир Ғаниевич — Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети социал-иқтисодий бўлимининг мудири.

ЙЎЛДОШЕВ Қудрат Ҳожиевич — «Сергели» мебель ишлаб чиқариш бирлашмасининг гул қоғоз ёпиштирувчиси.

ЮСУПОВ Анвар Аъзамович — завод бош директори.

ЮСУПОВ Эркин Комилович — ёғ-мой комбинати слесари.

ЯСТРЕБОВА Таиса Ивановна — СССР 50 йиллиги номидаги «Тошкент трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмасининг парималовчиси.

ЗАМОНДОШИМИЗ



Сенинг дардинг — менинг дардим!

Бугунги кунда Арманистондаги табиий офат — халқ бошига тушган бехос кулфатдан куйинмаган кишининг ўзи йўқ. Ҳар бир инсон баралла шундай демоқда! Фақат ачиниб гина қолмай, бири йиғиб қўйган пулини, бири бир кунлик иш ҳақини, яна бири кийим-кечаги ё дори-дармонини арманистонликларга ашил-ташил жўнатиш ҳаракатида юрибди. Йўқ, ҳаяллаш мумкин эмас: ахир, неча-неча одамларга сизу бизнинг шошилинч ёрдамимиз зарурда!

Тошкент агрегат заводи комсомол комитети секретарининг ўринбосари, слесарь-ремонтчи Ринат Эрназаров — ташкилотчи йигитлардан. Айниқса, ёшларнинг кайфият ва хоҳиш-истакларини чуқур тушуниб, дарҳол шанбалик ташкил этишда жонбозлик кўрсатди.

Хуллас, ўтган шанба куни шанбалик бўлди. Унда бир мингдан зиёд ишчи-хизматчи иштирок этди. Унда ишлаб топилган жами маблағ Арманистонга ёрдам фондига ўтказилди.

Биз бу сатрларни ҳеч бир бўямай-бежамай, содда тилда ёзяпмиз. Аслида барча совет кишилари сингари агрегат заводи ишчи-хизматчиларининг қалб ҳаяжонларини, уларнинг митингда айтган кўнгил кўтарар сўзларини ёзсак, бутун бир достон бўлади. Бу достоннинг номини ҳеч иккиланмасдан: «Армон қилма, жон Арманистон!» деб қўйиш мумкин. Балки бундан ҳам таъсирлироқ бошқа сарлавҳа топиш мумкиндир... Аммо ҳозир гап бунда эмас.

Совет халқи нақадар жиддийлиги, эт билан тирноқдай бир-бирига қадрдон, қондош ва жондош бўлиб кетганлиги бугунги кунда Ленинакан, Кировакан ва қаттиқ зилзила рўй берган бошқа жойларда барча миллат вакилларининг кечани кеча, кундузни кундуз демай ишлаётганидан, ҳатто қонини ҳам бераётганидан сезиш мумкин.

Ринат Эрназаровнинг ўзи шанба куни эрталаб у ерга учиб кетаётган самолётга корхонада тайёрланган йиғма каравотлар, кўрпа-тўшак, одеял, тунги ёритгичлар (ва икки пайвандчи)ни жўнатишга ҳисса қўшди.

Корхона партия ва комсомол комитетлари ёрдам штабига айланган.

— Одамларимиз ҳеч ким айтмасданоқ, ўзлари кўнгилли равишда келишиб, маошларидан ёрдам учун беришяпти,— дейди корхона партия комитетининг секретари Марат Раҳматуллаев. — Ана шу тиғиз ишларда Ринат жуда фаоллик кўрсатяпти. У компрессорларни ремонт қилади, ажойиб слесарь. Аммо ишдан ташқари парткомга, унинг фаолиятига катта ёрдам беряпти. Ёшлар дилига йўл топиб, ташаббус кўрсатяпти, актив дружиначи ҳам.

Арманистондаги зилзилага бағишлаб ўтказилган митингда сўзга чиқди. Эшитсангиз, юрагингиз эзилиб кетади...

Ҳа, Р. Эрназаровнинг ўзи ҳақида ташвиш чекканини кўрмадик ҳисоб. Фақат бошига иш тушганларга ёрдам беришга ошиқади, ёшларга бош бўлади, доимо ташаббус бошлайди, корхона иши ҳақида астойдил жонкуярлик қилади.

Биз ундаги бу фазилатни ҳақиқий дўстлик ва қардошликка хос хислат деб билдик!

Ҳ. ИКРОМОВ.

◉ СУРАТДА: Ринат Эрназаров.
Т. Каримов фотоси.

Газетанинг шу сонига интервью

Арман халқига ҳамдард ва мададкормиз

Бир неча кундирки, Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети биноси эрта-ю кеч келиб-кетувчилардан ариқмайди. Бу ерда кучли зилзладан жафо кўрган Арманистон ССР аҳолисига ёрдам кўрсатиш шаҳар штаби ташкил этилган. Штабда иш шунчалар кўпки, рўйхатга олаётган, телефон кўнғироқларига жавоб бераётган ходимларнинг қўли-қўлига тегмайди. Болаларни ўз бағрига беришни сўраб келаётганларнинг эса кети узилмайди.

Мухбиримиз штабда қандай ишлар олиб борилаётгани хусусида Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети раисининг биринчи ўринбосари Э. А. Ризаев билан суҳбатлашди.

— Нафақат шаҳримиздан, — деди Эрнест Алиевич, — балки республикамизнинг кўпгина областларидан ҳам фарзандларини ардоғига олишга талабгорлар, зилзладан азият чеккан арманистонликларга қўлларидан келадиган ёрдамни таклиф қилувчилардан кўплаб қўнғироқлар бўлиб турибди. Ҳатто ўзлари ташриф буюришяпти. Айниқса, Фарғона, Самарқанд, Қашқадарё, Сирдарё ва Наманган областларидан кўплаб кишилар болаларни ўз бағриларига беришни сўраб келишди. Шунингдек, бундай илтимосномалар тошкентликларнинг ўзидан мингдан зиёд тушди. Шуни айтиш керакки, болалар Арманистондаги пансионатларга жойлаштирилган. Ҳозирча бу хусусда бирон нарса дейиш қийин. Агар лозим бўлса ўзимиз айтамиз, матбуот орқали эълон қиламиз.

— Қайси корхона ва ташкилотлар биринчилар қатори ёрдам қўлини чўзишди?

— В. П. Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси, Тошкент тўқимачилик ва булка-кондитер комбинатлари коллективлари биринчилар қатори Арманистонга ўзларида ишлаб чиқарилган ва у ерда зарур бўлган ашёлар юборишди. Ҳамшаҳарларимизга минг раҳмат! Улар пул ўтказишяпти ва зилзладан зарар кўрган районларга бориб меҳнат қилиш истагини билдиришяпти.

— Шу кунгача қанча маблағ тўпланди?

— Ўн учинчи декабргача 1 миллион етти юз минг сўмлик маблағ тўпланди. Шундан 42 минг сўми аҳолидан тушди. Юзлаб мутахассисларни комплектлаб жўнатдик.

Карл Маркс кўчасидаги 102-уйда, яъни Тошкент Давлат медицина институтининг 2-клиникасида пойтахтликлар қон топширишяпти.

— Яна болаларни бағримизга олиш масаласига қайтсак. Редакцияга ҳам кўплаб қўнғироқлар бўлиб турибди...

— Юқорида айтганимдек, бунга ҳозирча зарурат йўқ. Керак бўлса айтамиз. Болаларни ўз ардоғига олишни истаганлар район халқ маорифи бўлимларига учраб ёзилишсин. Мабодо болакайлар келтирилса шу рўйхатлар асосида берилади. Уч кун мобайнида бизга ҳам 1700 дан зиёд киши қўнғироқ қилиб гўдакларни ўз тарбияларига олиш истагини билдиришди. Кўриб турибсиз, бундай қўнғироқлар бир зум бўлса-да тинаётгани йўқ. Бу ҳам интернационал дўстлигимизнинг бир намунаси.

— Демак, ҳозир биринчи навбатда қардошларимизга моддий ёрдам беришимиз керак?...

— Албатта. Бунинг учун қўлимиздан келган барча имкониятни ишга соляпмиз. Қардошларимизнинг дарди бизнинг ҳам дардимиздир.

Дарҳақиқат, штабда одам аримайди. Ў ерда турли ёшдаги ва турли касбдаги кишиларни учратиш мумкин. Улар орасида уруш ветеранлари ҳам, Қаҳрамон оналар ҳам ва ёшгина келин-кувёвлар ҳам бор. Акмал Икромов район, Нокзор кўча, 34-уйда яшовчи Жалоловлар оиласи ҳам, Ўзбекистон ССР Фанлар Академияси биоорганика институтининг ходими Раъно Файзиева ҳам бошқалар қатори болани ўз ардоғига олишни сўраб келишибди. Халқимизнинг бағри кенглиги ҳамда дўст бошига иш тушганда ҳамдардлик кўрсатаётганидан киши қалби фахрга тўлади.

Суҳбатни
Р. БОБОМУҲАМЕДОВ ёзиб олди.

Тонгги газеталарда

◉ Одамлар бошига тушган изтиробли, қайғули кунларда фалокатзадалар билан, уларнинг қариндош-уруғлари ва ёр-биродарлари билан ҳамдард бўлиш учун Арманистонга келган КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси М. С. Горбачевнинг Арманистон ССРда бўлиши ҳақида, ўртоқ М. С. Горбачевнинг Марказий телевидение ва Арманистон телевидениеси мухбирлари билан суҳбати ҳақида, унинг Москвага қайтгани ҳақида расмий хабарлар эълон қилинган.

«Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» газеталари редакцияси коллективи ҳам зилзладан азият чеккан арманистонлик қардошларга ёрдам фондига бир кунлик иш ҳақларини ўтказди.

XXVI Тошкент шаҳар партия конференцияси

(Давоми. Бошы 1-бетда).

Аъзолик бадалларининг тўланиши ва уларнинг ўз вақтида партия бюджетига келиб тушиши устидан назорат ревизия комиссияси ишининг асосий қисмини ташкил этди. Партия бадалларини ўз вақтида, белгиланган миқдорда тўлаш ҳар бир коммунистнинг биринчи навбатдаги вазифасидир. Барча бошланғич партия ташкилотларида вақти-вақти билан партия бадалларини йиғиш ва улар юзасидан ҳисобот масалалари бўйича текширишлар ўтказилди.

Ҳисобот даврида 233936 КПСС аъзоси ва КПСС аъзолигига кандидат ҳисобда турувчи 6297 партия ташкилотида текшириш ўтказилди. 2226 партия ташкилоти икки маротаба текширилди.

Тан олиш керак, ревизия комиссиялари ишининг аҳволи ҳар жиҳатдан ўсиб бораётган талабларга жавоб бермайди. Ревизия комиссияларининг айрим аъзолари текширишларни юзаки олиб боришди, бунинг оқибатида партия аъзолиги бадалларини ҳисобга олиш ва тўлашдаги мавжуд жиддий камчиликлар очиб ташланмади.

КПСС Марказий Комитети комиссияси 1988 йилда шаҳар бошланғич партия ташкилотларида ўтказган текшириш натижалари ана шундан далолат беради. Ана шу текширишларда аъзолик бадалларини кам тўлаш ҳоллари аниқланди. Текширилган ташкилотлардаги ҳар тўққиз коммунистдан бири аъзолик бадалини кам тўлаб келган. Айрим секретарлар район партия комитетларига ҳисоботларни бузиб тузишган ва тақдим этишган. Ваҳоланки, ана шу ташкилотларнинг ҳаммаси олдинроқ ревизия комиссияларининг аъзолари, район партия комитетлари аппаратларининг ходимлари томонидан активлар жалб этилиб, текширилган эди.

КПСС Марказий Комитети ва Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Ишлар бошқармалари ўтказган текширувларда Куйбишев, Ленин, Ҳамза район партия ташкилотларида талайгина маблағлар тўланмаганлиги аниқланди.

1986 йилда Тошкент автомобиль транспорти ва йўллар институти партия комитетида (Киров райони) 20 минг сўм миқдордаги партия бадаллари ўзлаштирилганлиги аниқланган эди. Цех партия ташкилотлари секретарларидан партия бадалларини нақд пул билан олганлиги, уларни ўз вақтида омонат кассасига топширмаганлиги, ҳисоботларни бузиб кўрсатганлиги, сохта квитанциялардан фойдаланганлиги, бошланғич молия ҳужжатларини йўқотганлиги учун партия комитетининг техник ходими Н. М. Отруба партия сафидан чиқарилди. Партия комитетининг собиқ секретарлари А. П. Капиринга ва Г. М. Смирновга ҳисоб карточкасига ёзиш шарти билан қаттиқ ҳайфсан эълон қилинди. Г. М. Смирнов ТАДИ партия комитетининг секретари лавозимидан озод қилинган эди. ТАДИ бошланғич партия ташкилотидан бадалларнинг ўз вақтида ва тўлиқ омонат кассага топширилиши устидан тегишли назорат бўлмаганлиги учун район партия комитетининг катта бухгалтери В. Л. Самаркинага қаттиқ ҳайфсан эълон қилинди.

Шаҳар партия ташкилоти ишидаги яна бир жиддий камчилик айрим партия ташкилотлари бўйича йиғилган бадалларнинг ойма-ой ўз вақтида ва тўлиқ ҳолда омонат кассаларига топширилмаслигидир.

Бундай тартиб бузилишлари Тошкент политехника институти, «Москва» туристлар комплекси (Фрунзе райони), граждан иншоотлари дистанцияси, «Ташхладокомбинат» (Ҳамза райони), «Ўзбекфильм», «Ташхлеб» ишлаб чиқариш-бирлашмаси (Чилонзор райони) ва бошқа партия ташкилотларида мавжуд эди.

Тошкент шаҳар партия ташкилоти ревизия комиссияси аъзолик бадалларининг тўланиши ва партия маблағларининг сарфланиши ишида тартиб ўрнатиш учун партия комитетлари жиддий чора-тадбирларни кўришлари, жойлардаги ревизия комиссиялари эса ана шу масалаларни район партия комитетларининг секретарлари ва бюролари олдига қатъият билан қўйишлари лозим, деб ҳисоблайди.

Ана шу муҳим ишда КПСС аъзоларининг ўтказилаётган ижтимоий-сиёсий аттестацияси катта ёрдам бериши мумкин.

Шаҳар партия комитетининг ҳисобот докладида айтиб ўтилганидек, шаҳар партия ташкилотидаги коммунистлар аттестацияси давомида 250 га яқин коммунист КПСС сафларидан чиқарилди. Шуни айтиш керакки, ана шу коммунистларнинг ҳар олти нафаридан бири узоқ вақтдан бери партия аъзолиги бадалларини тўламай келган. Жумладан, коммунистлар — «Узгипромет» катта инженери В. И. Вишнев, Киров район ошхоналар трести ошпази М. Л. Лобашова, Тошкент электрон-техника заводининг (Ленин райони) қуювчиси Н. Н. Алькова саккиз ой давомида партия аъзолиги бадалларини тўламаганликлари учун партия сафидан чиқарилдилар. Тошкент шаҳар телефон тармоқлари (Ленин райони) электр монтёри Л. Х. Эргашев 1987 йил сентябрь ойидан бери партия аъзолиги бадалларини тўламаганлиги учун аттестациядан ўтказилмади ва партия сафидан чиқарилдилар. Аттестациядан ўтмаган ва партия сафидан чиқарилганлар орасида Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси 65-цехининг токари Г. Б. Цой, ихтисослашган ремонт-ишлаб чиқариш корхонаси (Ҳамза райони) слесари В. Г. Долах ва бошқалар бор. Бошланғич партия ташкилотларининг айрим секретарлари партия аъзолиги бадалларининг тўланиши устидан назоратни амалга оширишда совуққонлик қилганликлари учун қаттиқ партиявий жавобгарликка тортилди.

Бундан буён ҳам аъзолик бадалларини қабул қилиш борасидаги ревизия ишларининг яхшиланишига эришиш, партия интизоми мустаҳкамланиши ва ҳар бир коммунистнинг устав талабларини бажариш учун партия ташкилотлари секретарларининг масъулиятини ошириш лозим. Ана шу мақсадда пленумларда, актив кенгашларида ва партия йиғилишларида коммунистларни ревизияларнинг натижалари тўғрисида, партия ташкилотларидаги ишларнинг аҳволи тўғрисида мунтазам хабардор қилиб бориш, ревизия ишининг кенг ошкоралигини таъминлаш зарур.

КПСС XXVII съездидан кейин тасдиқланган Ревизия комиссияларн тўғрисидаги янги низомга мувофиқ 1987 йилдан бошлаб шаҳар партия комитетида ҳужжатларнинг ўтиши мунтазам таҳлил этилмоқда. «Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» газеталари редакциясида меҳнаткашларнинг хатлари, аризалари ва шикоятларини кўриб чиқишга доир ишлар устидан назорат амалга оширилмоқда.

Сўнгги икки йилда шаҳар партия комитетларида қабул қилинаётган қарорлар сони камайиб бораётганлиги кузатилмоқда. Коллектив равишда муҳокама қилишни тақозо этувчи проблемаларнинг янада синчиклаб саралаб олиниши таъминланяпти. Оператив характердаги қарорларни қабул қилишда шаҳар партия комитети бўлимларининг ваколатлари кенгаймоқда. Бунинг натижасида бу йил шаҳар партия комитети қабул қилган қарорлар сони 1985 йилга нисбатан қарийб икки баравар камайди.

Партия, совет ва хўжалик органларининг вазифаларини таассуфлари бўйича чегаралашга доир принципиал йўл биргаликда қабул қилинадиган қарорлар сонини қисқартириш имконини берди. 1985 йилда 71 та ана шундай қарор қабул қилинган бўлса, 1988 йилга келиб, бундай қарорлар сони тўрттагача камайди.

Қуйбишев район партия комитетининг биринчи секретари Н. И. Емельянов XXV Тошкент шаҳар партия конференциясида партия ташкилотларига ҳаддан ташқари кўп ҳужжатлар йўллаётганлиги муносабати билан шаҳар партия комитетини танқид қилган эди.

Ҳужжатлар оборотини камайтириш мақсадида шаҳар партия комитети ҳужжатларни жўнатиш тартибини ўзгартирди. Шаҳар партия комитети бюросининг айрим қарорлари бевосита тегишли партия комитетларигагина жўнатиладиган бўлди.

1986—1987 йиллар ва шу йилнинг тўққиз ойи мобайнида шаҳар партия комитетига меҳнаткашлардан 11,8 мингдан зиёд хат ва таклифлар тушди, шу хатлардан 9,5 мингтаси назорат остига олинди, аксарият хатлар бевосита жойларнинг ўзида кўриб чиқилаяпти.

Шаҳар партия комитети бўлимлари шикоят ва аризаларни келтириб чиқарувчи сабабларни янада пухта ўрганадиган бўлиб қолишди. Меҳнаткашларнинг ёзма ва оғзаки мурожаатларини кўриб чиқиш учун сайлаб қўйиладиган партия активлари, депутатлар, халқ назоратчилари ва мутахассислар кўпроқ жалб этиладиган бўлиб қолди. Бунинг натижасида шаҳар партия комитетига юқори органлардан келаётган мактублар сони, шунингдек, гражданларнинг такрорий мурожаат қилишлари қисқарди.

Шу билан бирга меҳнаткашларнинг хат ва аризаларини кўриб чиқиш ишидаги камчиликлар ҳали тўла тугатилгани йўқ. Куйбишев, Ленин, Киров, Чилонзор районларидан шаҳар партия комитетига олинаётган хатлар оқими камаймаяпти.

1986—1987 йиллар ва шу йилнинг тўққиз ойи мобайнида шаҳар партия комитетида қарийб 3,5 минг киши қабул қилинди. 1986 йилда 1405 нафар, 1987 йилда 1143 нафар, шу йилнинг тўққиз ойи давомида 650 нафар киши қабул қилинди.

Шаҳар партия комитети шикоят ва аризаларни келтириб чиқарувчи сабабларни янада пухтароқ ўрганиши, уларнинг объектив равишда, диққат билан кўриб чиқилиши учун партия, совет ва хўжалик органлари раҳбарларига нисбатан талабчанликни ошириш зарур.

«Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» газеталари редакцияларида муайян ишлар олиб борилмоқда.

Шуни қайд этиш керакки, аноним хатлар тўғрисидаги Фармон чиққанидан сўнг хатлар оқими камайди. Аммо ўқувчиларнинг танқидий мулоҳазаларини ҳисобга олиб, газеталар улардан олинган сигналларни эълон қилиш формасидан кўпроқ фойдаланишяпти.

Хатларнинг уч процентдан зиёди ЖЭКларнинг қониқарсиз ишини (томларнинг ремонти, иссиқлик, ободончилик ишларидаги камчиликларни), транспорт ва алоқанинг аниқ маромда ишламаётганини, савдо, маиший хизмат соҳасида хизмат кўрсатиш қоидалари бузилаётганини акс эттиради. Шу мазмундаги хатлар кўпроқ Киров, Куйбишев, Чилонзор, Акмал Икромов районларидан олинмоқда.

Айрим раҳбарлар ўз хизмат вазифаларини унутиб, меҳнаткашларнинг хатларига ўз вақтида жавоб беришмайди, уларда кўтарилган масалалар юзасидан чора-тадбирларни кўришмайди. Танқидга Собир Раҳимов район ташкилотларида муносабат жуда бўш. Киров ва Акмал Икромов районларида олинмоқда.

Шуни айтиш керакки, ревизия комиссияси шу соҳадаги ишларнинг аҳволини квартал сайин текширадиган бўлганидан кейин редакциядаги ишлар сезиларли даражада ўзгарди. Карточка системаси, шунингдек, директив ҳужжатларнинг қатор бошқа талаблари жорий этилди.

Шу билан бирга «Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» газеталари редакцияси бундан буён хатларнинг бўлимлардан ўтиши устидан назоратни кучайтириши, мазкур масалани партия йиғилишларида тинглаб туриши лозим. Гражданларнинг хат ва аризалари янада пухта, синчиклаб, ўз вақтида ўрганилишига, уларни кўриб чиқиш самарадорлигини оширишга доир таъсирчан чора-тадбирларни кўриши керак.

Бундан буён ҳам меҳнаткашларнинг мурожаатлари билан ишлаш савияси тинмай ошиб бориши учун жамики зарур чора-тадбирларни амалга ошириш керак. Меҳнаткашларнинг эҳтиёж ва талабларидан, уларнинг кайфиятларидан чуқур хабардор бўлиш ҳар бир раҳбарнинг, партия ва давлат аппарати ҳар бир ходимининг ички эҳтиёжига айланиши керак.

Қайд этиш лозим, Тошкент шаҳар партия ташкилоти ревизия комиссиясининг фаолиятида камчиликлар ва нуқсонлар ҳам бўлди. Айрим текширувлар паст савияда ўтказилди, текширишларда аниқланган камчиликларнинг бартараф этилиши, тартиб бузилишларнинг тугатилиши устидан пухта назорат таъминлангани йўқ.

Фаолиятнинг ташкилий жиҳати жиддий яхшилашни тақозо этади, мажлисларни ўтказиш муддатлари бузилишларига йўл қўйилди, ревизия ишининг ошкоралигига, коммунистларнинг ревизия комиссияси фаолиятидан хабардор бўлишларига етарли эътибор берилмади. Фақат шу йилгина комиссия аъзолари ҳисобот-сайлов кампанияси чоғида фаолиятлари ҳақида ўзлари ҳисобда турган партия ташкилотларида ҳисобот бердилар. Тошкент шаҳар партия ташкилотининг ревизия комиссияси район партия ташкилотларининг ревизия комиссияларига етарли даражада методик ёрдам кўрсатгани йўқ.

Ҳозир XIX партия конференцияси кўрсатмаларини амалда рўёбга чиқариш партия ташкилотлари иш негизини ташкил этади. Бу кўрсатмаларнинг бажарилиши қайта қуриш жараёнини, туб иқтисодий ислоҳотлар ва совет жамиятини демократиялаш жараёнини муайян даражада жадаллаштириш имконини беради.

* * *

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ташкилий бўлимининг мудири В. Н. ДМИТРИЕВ XXVI Тошкент шаҳар партия конференциясида мандат комиссиясининг докладини қилди

Бунёдкорлик ғайрат-шижоати, партия ташкилотларининг иш услубида янгилик сари бурилиш, шаҳар меҳнаткашларининг изланишлари, собиқадамликлари ҳамма жойда: саноатнинг бир мунча жўшқин ривожланишида, уй-жой қурилиши суръатларининг ўсишида, Тошкент экономикаси бошқа тармоқларининг барқарор ишлашида амалий ифодасини топмоқда.

Шу билан бирга коммунистлар, меҳнаткашлар бошқа бир нарсани ҳам равшан англамоқдалар: қайта қуриш эндигина кучга тўлиб бормоқда, қайта қуриш сиёсати ҳали ҳамма жойда ҳам ва ҳамиша ҳам амалий ишларда ўз ифодасини топаётгани йўқ, деди докладчи.

Бундай аҳволга сабаб нима, қайта қуришга зўр жўшқинлик, кўпроқ самарадорлик бағишлаш учун нималар қилиш зарур, тараддудланишга, иш ўрнига сафсатабозлик қилишишга қандай қилиб тезроқ барҳам бериш керак? Шаҳар партия ташкилотида ана шу масалалар бу йилги ҳисобот-сайлов кампаниясининг диққат марказида ўткир бўлиб турибди. Амалий руҳ, рўй-ростлик, ошкоралик шу кампанияга хос хусусиятлар бўлди.

Сайлаб қўйиладиган органлар аъзоларининг ўз меҳнат коллективлари олдидаги ҳисоботлари, социологик савол-жавоблар, партия комитетлари ва бюролари ҳисобот докладларининг тезисларини олдиндан муҳокама қилиш — ана шуларнинг ҳаммаси эндиликда партия ташкилотларининг кундалик ҳаётига мустаҳкам сингиб кетди. Йиғилишлар ва конференцияларда коммунистлар билан бир қаторда партиясиз ўртоқлардан 16 мингдан зиёд киши ўз партия ташкилотлари, меҳнат коллективларининг принципиал муҳим проблемаларини муҳокама қилдилар. Улар билдирган 30 мингдан кўпроқ таниқдий мулоҳаза ва таклифлар ҳам ҳисобот ва сайлов қатнашчиларининг фаоллиги, манфаатдорлиги кучайиб бораётганлигидан далолат беради. Ана шу мулоҳаза ва таклифлар ҳозирнинг ўзидаёқ шаҳар партия ташкилотининг партия бўғинлари жанговарлигини ошириш, социал-иқтисодий вазифаларни ҳал этишда барча меҳнаткашларнинг манфаатдорлик билан қатнашиши муҳитини вужудга келтириш соҳасида бундан буёнги фаолиятига асос қилиб олинди.

Бу йилги ҳисобот ва сайлов кўп жиҳатдан янги демократик мазмун касб этди. Биринчи марта номзодларни кўрсатиш ва муҳокама қилиш қоида тариқасида қуйи бўғинларда: партия группаларида, цех ташкилотлари, бошланғич ташкилотларда бошланди. Йиғилишлар ва конференцияларда бевосита ўз ишлаб чиқариш коллективларининг: бригадалар, сменалар, звенолар, бўлимларнинг ишончига сазовор бўлган номзодлар кўрсатилди. Партия ташкилотлари секретарларидан, партия комитетлари ва бюроларининг аъзоларидан салкам уч минг киши бевосита йиғилишлар чоғида кўрсатилган бир қанча номзодлар орасидан сайланди.

Коммунистлар илк бор сайлов билан бир вақтда ўзларининг юқори партия органлари составидаги вакиллиги масалаларини талабчанлик билан, ҳар томонлама кўриб чиқдилар. Уч ярим мингдан кўпроқ коммунист район, шаҳар, область партия ташкилотларининг раҳбарлик органларига тавсия этилди. Сайлаб қўйиладиган партия органлари составларини дастлабки тартибда тузувчи, конференция делегатларини кўриб чиқувчи мингга яқин ишчи комиссияларининг фаолиятида беш ярим мингдан зиёд партия аъзоси фаол қатнашди.

Шаҳар партия конференциясининг барча делегатлари амалда ўз меҳнат коллективларида, партия ташкилотларида конференциянинг ишида қатнашишга «йўлланма» олдилар.

Делегатлар составини анализ қилиш шундан далолат бермоқдаки, шаҳар коммунистлари ўзларининг энг муносиб вакилларини, фидокорона меҳнати ва жамоат фаолияти билан, ҳаётдаги актив позицияси билан обрў-эътиборга ва ўз ўртоқларининг ишончига сазовор бўлган кишиларни конференцияга делегат қилиб кўрсатишга интилдилар. Конференциянинг ҳар олти делегатидан бири меҳнат коллективи кенгашининг аъзоси эканлиги, 38 киши эса мана шу ўзини-ўзи бошқариш олий органига бошчилик қилаётганлиги буни яққол тасдиқлаб турибди.

Мандат комиссияси тақдим этилган материалларни эътибор билан ўрганиб чиқиб, конференцияга шуни маълум қиладики, барча район партия ташкилотларида делегатларни сайлаш партия Устави талабларига ва КПСС Марказий Комитети кўзда тутган сайлов тартибига мувофиқ равишда ўтказилди. 170 нафар партия аъзосидан бир делегат қилиб тасдиқланган вакиллик нормасига мувофиқ XXVI Тошкент шаҳар партия конференциясига 634 делегат сайланди, шулардан 412 делегат биринчи марта сайланмоқда. Барча делегатларнинг ваколатлари тўғри деб топилди. Конференциямизда Ленин район партия ташкилотининг ўн беш минг кишилик отряди: «Средазэлектроаппарат», «Қизил тонг» ишлаб чиқариш бирлашмалари, бошқа корхона ва ташкилотлар коммунистларининг вакилларидан 91 делегат бор.

Куйбишев районидан сайланган саксон беш делегат составида «СССР 50 йиллиги номли Тошкент трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Кибернетика» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси Ўзбекистон ССР Фанлар академияси илмий бўлинмалари, ижодий зиёлилар намояндалари бор.

Ҳамза районининг етмиш етти делегати орасида Чкалов номли Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Ташсельмаш» бирлашмаси, уйсозлик комбинатлари, транспорт ташкилотлари коммунистларини кўрамиз.

Октябрь, Киров, Чилонзор, Фрунзе, Собир Раҳимов, Акмал Икромов ва Сергели районларининг делегатлари шаҳримиз экономикаси ва маданий турмуши турли соҳаларининг намояндаларидир.

24 миллат ва элат вакиллари конференцияга делегат этиб сайланганлиги шаҳар партия ташкилоти ленинча интернационализм принципларига содиқ эканлигининг ёрқин тасдиғи бўлиб қолди. Улар орасида ўзбеклар, руслар, қозоқлар, қирғизлар, украинлар ва белоруслар, тожиклар ва уйғурлар, корейслар, немислар, бошқа миллатларнинг намояндалари бор. Коммунистларнинг социалистик интернационализми халқлар ўртасида дўстликни мустаҳкамлашнинг ҳамиша қудратли жипслаштирувчи кучи, миллатлараро муносабатларни такомиллаштиришнинг негизи бўлиб келди, ҳозир ҳам шундай ва бундан буён ҳам шундай бўлиб қолаверади.

Конференциямизнинг икки юздан зиёд делегати шаҳарнинг беками-кўст социал-иқтисодий тараққиётини таъминловчи ғоят хилма хил ишчи касбларни акс эттиради.

Делегатлар орасида ишлаб чиқаришнинг чинакам новаторлари, социалистик мусобақа пешқадамлари бор. Тошкент тўқимачилик комбинатининг тўқувчиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, шаҳар партия комитети бюросининг аъзоси Евгения Александровна Губина, 2-автокомбинат ҳайдовчиси, XIX Бутуниттифоқ партия конференциясининг делегати Йўлдош Тожиевич Акбаров, Октябрь революцияси номли тепловоз ремонти заводининг пўлат қуювчиси Евгений Александрович Маршалов, «Компрессор» заводининг аппаратчиси Хотима Хўжаакбаровна Жўрабекова ва бошқа кўпгина кишилар шулар жумласидандир. Залда бинокор ишчилар оз эмас. Улар орасида 159 ва 11-«Висотстрой» трестларидан комплекс қурилиш бригадаларининг бошлиқлари Виктор Александрович Петров ва Анатолий Иванович Голубев бор. Уларнинг коллективлари шаҳарда ғоят муҳим «Уй-жой—90» социал программасини амалга ошириш ишига ўз ҳиссаларини қўшмоқдалар.

(Давоми 3-бетда).

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИНИНГ АЪЗОЛИГИГА КАНДИДАТЛАР ЭТИБ САЙЛАНГАН КОММУНИСТЛАР

РЎЙХАТИ

АБДУЛЛАЕВА Гўзал Абдувалиевна — Тошкент чинни заводининг гардишчиси.

АЛИЕВ Анвар Маҳмудович — Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ташкилий бўлими мудирининг ўринбосари.

БЕВЗ Владимир Яковлевич — Ҳамза район Совети ижроия комитетининг раиси.

БЕРБЕРОВ Бекир Шарифович—«Стальмонтаж» монтаж бошқармасининг бошлиғи.

ГОЛУБЕВ Анатолий Иванович —11-«Висотстрой» трестининг бригадири.

ГУСЕВ Юрий Александрович — «Узбекхлопкомаш» ишлаб чиқариш бирлашмасининг фрезерчиси.

ДАНИЛОВ Валерий Александрович — «Ташкентгеология» бирлашмаси қурилиш-монтаж бошқармасининг сувоқчиси.

ЖЎРАБОЕВА Нигора Абдураҳмоновна — Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети Ички ишлар бошқармаси Давлат автомобиль инспекцияси бошқармасининг катта участка инспектори.

ЖАМИЛОВА Гулчеҳра Маннановна — «Ёш гвардия» театрининг актёри.

ЗИМИН Геннадий Александрович — Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрлиги IV Бош бошқармасининг бошлиғи.

ЗИСМАН Наум Израйлевич — «Гордорстройремонт» трестининг бошқарувчиси.

ИВАШКИН Алексей Георгиевич—Тошкент шаҳар комсомол комитетининг иккинчи секретари.

ИЗЗАТУЛЛАЕВ Ҳасан Парпиевич—Сергели район Совети ижроия комитетининг раиси.

ЭЛЧИЕВ Ҳасанбой — «Таштрансспецстрой» трестининг бригадири.

ИНОҒОМОВ Тимур Илҳомович — 21-ўрта ҳунар-техника билим юртининг директори.

КАЗАРИНОВ Юрий Борисович — Ўзбекистон Компартияси Киров район комитетининг иккинчи секретари.

ҚОСИМОВ Эркин Эргашевич — 2-вагон депосининг проводниги.

КОЖЕДУБ Виталий Викторович— «Ташинжстрой» трести партия комитетининг секретари.

КРАСИЛЬНИЙ Виктор Григорьевич —Тошкент электромеханика заводининг слесари.

МАНСУРОВ Ғайрат — Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети савдо Бош бошқармасининг бошлиғи.

НАБИУЛЛИН Ришат Ҳисматуллович — В. И. Ленин номидаги Тошкент Давлат университети партия комитетининг секретари.

НОСИРОВ Каримхон — Тошкент шаҳар судининг раиси.

НЕЪМАТЖОНОВА Аропатой — «Ташгортрикотажбит» ишлаб чиқариш бирлашмасининг тўқувчиси.

ОЖИГАНОВ Николай Иванович — СССР Ички ишлар министрлиги Тошкент олий мактабининг бошлиғи.

ПАНИН Николай Геннадьевич — Тошкент электрон-ҳисоблаш машиналари «Алгоритм» заводининг электр монтёри.

РАСУЛОВ Тожиевой — тажриба-механика экскаватор ремонти заводининг йиғувчи-слесари.

САГАЛАЕВА Галина Андреевна—2-дон маҳсулотлари комбинатининг ёрмачиси.

СОДИҚОВ Мирзоҳид Мирмаҳмудович — Ўзбекистон Компартияси Ленин район комитетининг иккинчи секретари.

СОДИҚОВА Санда Юсуповна — Ўзбекистон Компартияси Куйбишев район комитетининг иккинчи секретари.

СЕРГЕЕВ Евгений Алексеевич — Тошкент метрополитени слесарлар бригадири.

СОРОКИНА Галина Михайловна — «Средазтрансстрой» трестининг бетончиси.

ТУРДИХЎЖАЕВА Муҳаббат Аҳмаджоновна — Ўзбекистон Компартияси Акмал Икромов район комитетининг секретари.

УМАРОВ Неъматжон Рихсиевич —«Зарафшон» ресторанининг ошпазлар бригадири.

ҲАСАНОВА Марям Ҳасановна — Ўзбекистон Компартияси Сергели район комитетининг иккинчи секретари.

ХЕГАЙ Анатолий Владимирович — Тошкент «Абразив комбинати» ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори.

ЧИРКОВА Лариса Энгелевна — Тошкент 2-пойафзал фабрикаси партия комитетининг секретари.

ШАТОХИН Анатолий Федорович — Туркистон ҳарбий округининг ҳарбий прокурори.

ШУБИН Вячеслав Анатольевич — ирригация, гидротехник иншоотлар ва кўкламзорлаштириш ихтисослаштирилган ремонт-қурилиш трестининг автокранчиси.

ЮНУСОВ Маҳмуджон Раҳматович — «Ташхимсельмаш» заводининг пресслочиси.

ТОШКЕНТ ШАҲАР ПАРТИЯ ТАШКИЛОТИ РЕВИЗИЯ КОМИССИЯСИНИНГ АЪЗОЛИГИГА САЙЛАНГАН КОММУНИСТЛАР

РЎЙХАТИ

АЗИМОВ Анвар Дадажонович — Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети маиший хизмат кўрсатиш бошқармасининг бошлиғи.

АКБАРОВА Муяссар —Тошкент тажриба-пиллакашлик фабрикасининг лаборанти.

АКРАМХЎЖАЕВ Аъзам Мақсудович — Ўзбекистон Компартияси Чилонзор район комитетининг иккинчи секретари.

ОРОЛОВА Раъно Элмуродовна — «Қизил тонг» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасининг тикувчи-моториcткаси.

АЮПОВ Шавкат Абдуллаевич — Ўзбекистон ССР Фанлар академияси математика институти директорининг ўринбосари.

БУДИЛИН Владимир Ильич —СССР 50 йиллиги номидаги «Тошкент трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмаси партия комитетининг секретари.

БУЗРУКХЎЖАЕВ Сайфутдин Султонович — Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети молия бошқармасининг бошлиғи.

ВОЛЬВАХ Валентина Николаевна — «Средазкабель» ишлаб чиқариш бирлашмаси совутиш қурилмалари машинисти.

ҒУЛОММАҲМУДОВ Абдували — «Конструктор» агросаноат илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори.

ЕЛИСЕЕВ Андрей Викторович — Октябрь революцияси номидаги тепловоз ремонти заводи партия комитетининг секретари.

ЖЕЛТКОВ Валерий Николаевич — Тошкент шаҳар прокурори.

ЭРГАШЕВА Раҳима Жўраевна — Тошкент заргарлик заводининг заргари.

КАРИМЖОНОВ Сойбжон Асомович—табиий ва сунъий кўн ишлаб чиқариш бирлашмаси партия комитетининг секретари.

КАРНЕЛИК Константин Александрович — Тошкент электрон-техника заводининг оператори.

ҚОСИМОВ Адҳам Каримович — кўп профилли шаҳар бирлашган болалар касалхонасининг бош врачи.

ЛОЙКО Евгений Алексеевич — Ўзбекистон Компартияси Октябрь район комитетининг иккинчи секретари.

МАНАСТИРЕТСКАЯ Валентина Федоровна — Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг секретари.

МАҲКАМОВ Абдураззоқ Қаҳҳорович — «Ташстройтранс» транспорт ишлаб чиқариш бирлашмасининг ҳайдовчиси.

МИШИН Вячеслав Алексеевич — Ўзбекистон Компартияси Акмал Икромов район комитетининг иккинчи секретари.

МОИСЕЕНКО Тамара Антоновна — Тошкент 1-эксперименталь-механика тажриба заводининг крановщиси.

РОМАНОВА Людмила Ивановна — Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети маданият Бош бошқармасининг бошлиғи.

САВЧЕНКО Борис Владимирович — Ўзбекистон Компартияси Сергели район комитетининг секретари.

СОДИҚОВ Шавкат Толипович — Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети ҳунар-техника таълими бошқармасининг бошлиғи.

САЛОҲИТДИНОВ Қодирбек — рассом.

САРДИЕВА Насиба Ҳусановна — Тошкент упаэликлар фабрикасининг картонажчиси.

УМУРЗОҚОВ Исмоил—Тошкент шаҳар граждан мудофааси штабининг бошлиғи.

УСМОНОВ Мираброр Зуфарович — Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети умумий овқатланиш Бош бошқармасининг бошлиғи.

ТЕРЕНТЬЕВА Ольга Сергеевна — Тошкент тикув ишлаб чиқариш бирлашмасининг назоратчиси.

ФЕДОРЦЕВА Нэлли Михайловна — «Строймеханизация» трести минорали кран машинисти.

ХАРИСОВ Дамир Мирзагитович — 2502-автоколоннасининг ҳайдовчиси.

ЧУМИЧЕВ Модест Леонтьевич — Ўзбекистон Компартияси Ҳамза район комитетининг иккинчи секретари.

ШОҒИЕСОВ Шомаҳмуд — СССР Давлат банки шаҳар идорасининг бошқарувчиси.

ШОҲАМИДОВ Шомансур Шомажидович — Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти партия комитетининг секретари.

⊙ СУРАТЛАРДА: XXVI Тошкент шаҳар партия конференциясида.
Т. Каримов ва Р. Шарипов фотолари.

XXVI Тошкент шаҳар партия конференцияси

(Давоми. Боши 1 ва 2-бетларда).

Тепловоз машинисти қўш Ленин ордени нишондори Ҳабибулла Олимжонович Исамуҳамедовнинг номини мамлакатнинг жуда кўп жойларида билишади. Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвони, шаҳар партия комитети бюросининг аъзоси вазифаси унинг ўз ишига муносабатини, коммунистнинг фаол позициясини жуда яхши кўрсатиб турибди.

Конференция делегатлари орасида олтмиш бир нафар хўжалик раҳбари бор. Ҳозир ишлаб чиқариш командирлари зиммасига туб иқтисодий ислоҳотнинг тақдири учун ғоят катта масъулият юклатилган. Улар меҳнат коллективларини бевосита уюштириб, уларнинг куч-ғайратларини сафарбар этмоқдалар, ўзлари ҳам ўқиб-ўрганиб, юксак пировард натижаларга эришиш учун бошқаларни эргаштирмоқдалар.

Конференцияда фан-техника тараққиёти ютуқларини самарали жорий этиш муаммоларини муҳокама қилишда, социал-иқтисодий ривожланиш вазифаларини ҳал этишда илм-фаннинг 22 вакили қатнашади. Шу йилги фан ва техника соҳасида СССР Давлат мукофотининг лауреати, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Электроника институтининг директори Ўткир Ҳасанович Расулев, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси «Қуёш физикаси» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси бўлимининг бошлиғи Рамизулла Абдуллаевич Мўминов, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси президиуми биология фанлари бўлимининг секретари академик Жаҳонгир Ҳамидов ва бошқа кўпгина кишилар шулар жумласидандир. Умуман конференция делегатларидан 28 киши фан доктори ва кандидати илмий даражасига эга.

Партия сиёсатининг социал йўналиши шаҳар партия конференцияси делегатларининг вакилларида ҳам ўз ифодасини топмоқда. Соғлиқни сақлашнинг моддий базасини мустаҳкамлаш, аҳолига медицина, савдо, маиший хизматни яхшилаш, олий ва ўрта мактабни ислоҳ қилиш билан боғлиқ муаммоларни бугун биринчи марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамонлари — 22-болалар уйининг директори Антонина Павловна Хлебушкина, 12-махсус техника билим юртининг мураббий мастери Рихситилла Ҳусанов ва яна олтмиш беш делегат — халқ таълими ва соғлиқни сақлаш, савдо, маиший хизмат, уй-жой-коммунал хўжалиги соҳаси намояндалари талабчанлик билан муҳокама қиладилар.

Совет маданияти арбоблари жамиятимизни социалистик янгилашда ғоят катта роль ўйнаши лозим, деб таъкидлади М. С. Горбачев XIX Бутуниттифоқ партия конференциясида. Конференциямиз делегатлари орасида Ўзбекистон халқ ёзувчиси Туроб Тўла, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист, «Баҳор» давлат халқ рақс ансамблининг балет солисти Гулнора Жўраева, СССР Рассомлар союзининг аъзоси Қодирбек Салоҳитдинов ва бошқа бир қанча ўртоқлар бор. Улар конференцияга ўз гражданлик позицияси, инсон ва жамиятни объектив равишда ҳар томонлама ўрганиш, уларни маънавий бойитиш, интернационал руҳда тарбиялаш, миллий маданиятни янада ривожлантириш муаммоларини олиб келишган.

Қайта қуришнинг ҳозирги босқичи бизни амалга оширилаётган ишларни Ленининг коммунистларга берган накази билан яна бир бор қиёслаб кўришга даъват этмоқда: омма ўртасида яшаш, кайфиятини билиш, ҳамма нарсадан хабардор бўлиш, оммага ёндашишни билиш, унинг мутлақ ишончини қозониш зарур.

Сайлаб қўйиладиган район партия ташкилотларининг 127 аъзоси, бошланғич, цех партия ташкилотларининг секретарлари, бюро аъзоларидан, партия группа ташкилотчиларидан 141 киши, шаҳар ва район партия комитетларининг барча секретарлари конференцияга делегат этиб сайланганликлари ана шундай обрў-эътиборнинг, ишончнинг, партия ўтказаётган йўл қўллаб-қувватланаётганлигининг далили бўлди. Партия ходимларидан 113 киши шаҳар коммунистларининг олий анжуманида қатнашмоқдалар.

СССР Олий Советининг навбатдан ташқари ўн иккинчи сессиясида таъкидлаб ўтилганидек, халқ ҳокимияти ва ўзини ўзи бошқарувининг ваколатли органлари сифатида Советларни қайта тикламай туриб, жамиятни соғломлаштиришнинг, тараққиётимизни жадаллаштиришнинг яхлит концепциясини амалга ошириб бўлмайди. Мамлакат ва республика Олий Советларининг депутатлари этиб сайланган конференция делегатларидан 17 киши, халқ депутатлари маҳаллий Советларининг депутатлари этиб сайланган 205 делегат, совет органларида ишловчи 59 делегат ҳозирги пайтда ўз ишларини айни мана шундай ёндашувлар асосида қуришга ҳаракат қилмоқда.

Демократиялаш, халқнинг ўзини-ўзи бошқариш жараёнлари чуқурлашуви, меҳнаткашларда социалистик ўзини ўзи бошқарув кўникмалари ва маданиятини тарбиялаш шароитида жамоат ташкилотларининг роли беқиёс даражада ортди. Конференциянинг 22 делегати сайлаб қўйиладиган комсомол органларида, 69 делегат касаба союзларида фаол ишламоқда, 49 делегат халқ контроли комитетларининг вакиллари ва группаларининг аъзоларидир.

Конференция ишида Қизил Байроқ орденли Туркистон ҳарбий округи коммунистлари, собиқ интернационалчи жангчилар, ҳарбий бўлинмаларнинг командирлари ҳамда эртага офицер бўладиган курсантлар қатнашдилар. Аммо уларни бир нарса — ўз ғайрат-шижоати ва жанговар меҳнатини, билими ва талантини Ватанимиз ва социалистик ҳамдўстликни ҳимоя қилишдек олижаноб ишга батамом бағишлашга тайёрлик бирлаштириб турибди.

В. И. Ленин социалистик давлатимизнинг тонготаридаёқ янги жамият қурилишини хотин-қизларнинг ёрдами, сермулоҳазалиги ва онглилиги билангина мустаҳкамлаш мумкинлигини таъкидлаган эди. Шаҳар партия ташкилотида хотин-қизларни меҳнат ва жамоат фаолиятига жалб этиш, уларнинг сиёсий ва меҳнат активлигини ўстириш учун шарт-шароитларни яратиш борасида кўп куч-ғайрат сарфланмоқда. Ҳозир хотин-қизлар шаҳар партия ташкилоти составининг қарийб учдан бир қисмини ташкил этади. Хотин-қиз коммунистлардан — саноат корхоналари ва қурилишларнинг ходимларидан, инженерлар, врачлар, олимлар, ўқитувчилар, партия, жамоат раҳбарларидан 195 аёл шаҳар партия конференциясининг делегати бўлдилар.

КПСС XXVII съезди шуни алоҳида куч билан таъкидладики, партиянинг йўлини амалга ошириш барча авлодларга мансуб коммунистларнинг куч-ғайратларини самарали равишда сафарбар этишга талай даражада боғлиқдир. Бугун шу залда сочлари оқарган ветеранлар ҳам, ёш коммунистлар ҳам ўтиришибди. 30 ёшгача бўлган делегатлар 9 процентни, 31 ёшдан 50 ёшгача бўлган делегатлар — 73 процентни, 51 ёшдан 60 ёшгача ва ундан катта ёшдаги делегатлар эса 18 процентни ташкил этади.

Партияга кейинги йилларда кирган икки юз етмиш уч делегат билан бир қаторда конференция ишида эллиқ йилдан кўпроқ партия стажига эга бўлган икки коммунист қатнашмоқда. Булар Ленин ва Қизил Байроқ орденларининг, бошқа кўпгина жанговар мукофотларининг соҳиблари, Улуғ Ватан урушининг ветеранлари, истеъдодли полковниклар Федор Федорович Тишкин билан Степан Давидович Коротковдир. Делегатлардан уч киши уруш арафасидаги йилларда, 9 киши эса Улуғ Ватан уруши йилларида, 15 киши халқ хўжалигини тиклаш даврида партия сафига кирган. 442 делегат 1956 йилдан 1975 йилгача бўлган даврда партия сафларига қўшилган.

Делегатларнинг меҳнатдаги ва жанговар ишлардаги хизматларини Ватан муносиб равишда тақдирлаган, шулардан 127 киши орден ва медаллар билан мукофотланган, 4 киши Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвонига сазовор бўлган. 20 делегат Ленин мукофоти ва мамлакат ҳамда республика Давлат мукофотларининг лауреатидир, 42 делегат эса «Хизмат кўрсатган арбоб» фахрий унвонига сазовор бўлган.

Мандат комиссияси делегат коммунистларнинг ёшлик ғайрат-шижоати ва тажрибаси мана шундай уйғунлашуви, уларнинг меҳнатдаги чиниқиши ва турмушдаги актив позицияси конференциянинг самарали ишлашига шубҳасиз кўмаклашади, деб ишонч билдиради.

Бугун ҳар биримиз XXVI Тошкент шаҳар партия конференцияси делегатининг мандатини оламиз. В. И. Ленин «мандат» ва «ваколат» тушунчаларини бир-бири билан чамбарчас боғлаганлиги тасодифий эмас эди, чунки «мандат» сўзи лотинчадан таржима қилинганида «топшириқ» маъносини билдиради.

Шаҳар коммунистларининг юз минг кишилик отряди, меҳнатчилари бизга ғоят муҳим топшириқ — фаолиятимизда намоён бўлган барча ижобий жиҳатларни мустаҳкамлаш, республика пойтахтида қайта қуриш жараёнини анча жадаллаштириши лозим бўлган қарорларни ишлаб чиқиб, қабул қилиш топшириғини бердилар.

Улар бизга ишонч билдириб, делегат бўлишдек ваколатни топшириб, белгиланган режалар амалда рўёбга чиқарилиши учун, қайта қуриш тақдири учун, сифатли янгиланиш жараёнининг муқаррарлиги учун зиммамизга алоҳида масъулиятни ҳам юкладилар.

Бу юксак ишончни оқлаш — ҳар биримизнинг бурчимиз!

таъминланганлик жиҳатидан районимиз шаҳарда энг сўнгги ўринлардан бирини эгаллайди. Бу ҳақда жуда кўп гапирилган, шунга қарамай, социал эҳтиёжларга маблағларни тақсимлашда қарор топган текисчилик принципидан воз кечишга барибир бизда журъат етишмаяпти. Уни қайта кўриб чиқиш учун эса асослар етарли: районда туғилиш даражаси мамлакат бўйича энг юқори, мактабгача болалар муассасалари, мактаблар, савдо, маиший хизмат, соғлиқни сақлаш объектлари билан таъминланганлик эса нормадагидан анча кам.

Мазкур муаммоларни ҳал қилишга районнинг ўзи қодир эмас. Шаҳар партия комитетига ташаббусни ўз қўлига олиб, шаҳар ижроия комитети, унинг бўлим ва бошқармалари эътиборини Тошкентни ривожлантириш истиқболларини белгилаш вақтида ҳар бир районни фақат ўзига хос хусусиятлари бўлган организм сифатида назарда тутиш лозимлигига жалб этиш пайти келган кўринади.

Матбуотимиз ҳам ҳали орқада қолаяпти. Шу ўринда биз шаҳар партия комитетининг аъзоси Т. М. Қозоқбоевдан у раҳбарлик қилаётган «Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» газеталарининг партия ишини бугунги кунда қандай қуриш ҳақидаги, бу ишни қандай қилиб самарадор, қайта қуришга хизмат қиладиган қилиш ҳақидаги конструктив, амалий фикр алмашувларнинг ўзига хос марказига айланишини кутамиз.

В. И. Ленин номидаги Тошкент олий умумқўшин командирлари билим юртининг курсанти, интернационалист жангчи Ғ. Р. ШАМСУТДИНОВ сўзидан

— Биз, Афғонистонда оғир синовдан ўтган жангчи интернационалистлар, энг аввало, ёшлар билан иш олиб боришимиз, уларни ватанпарварлик, инсонпарварлик, гражданлик қадр-қиммати руҳида тарбиялашимиз лозим. Ўз тажрибаларимизни ёшларга сингдиришимиз, айниқса ёшлар ўртасида яшаш ва меҳнат қилишимизга тўсқинлик қилаётган камчиликларга, салбий кўринишларга қарши қатъият билан кураш олиб боришимиз керак.

Шахсан ўз номимдан, жангчи интернационалистлар номидан ишонтириб айтаманки, биз ёшларни ватанпарварлик ва интернационализм руҳида тарбиялаш борасида фаол иш олиб борамиз.

Чилонзор район партия комитети биринчи секретари Б. В. ЕФРЕМОВ сўзидан

— Бугунги кунда биз ҳаммамиз раҳбарликнинг сиёсий услубларини жадал ўзлаштиришимиз лозим. Шу ўринда ташаббускор, билимдон партия, совет ва хўжалик кадрларини тайёрлаш проблемаси биринчи ўринга чиқади. Мен бу борада фаолиятимз учун кенг майдон, талайгина ҳал этилмаган муаммолар бор, деб ҳисоблайман. Мисол учун партия ходимларининг олий партия мактабларига ўқишга йўлланишини олайлик. Ўқишни тугатиб келган ходимларнинг ишдан четда қолаётганлиги фактлари ҳамон мавжудлиги ҳеч ким учун сир эмас. Биз ўқишга йўлланаётган ўртоқларга қайтиб келганларидан сўнг қаерда, ким бўлиб ишлашларини аниқ ва лўнда айтишимиз, уларни ана шу ишга тайёрлашимиз лозим. Область ва шаҳар партия комитетларига озод қилинган партия ходимларининг резерв ставкаларини ташкил этиш имкониятларини изланишни таклиф қиламан. Партия мактабларининг битирувчиларидан вақтинча ана шу ставкаларда фойдаланиш мумкин бўлар эди.

Бугунги кунда қўпгина партия ходимлари мамлакатнинг бошқа регионларида стажировкадан ўтяпти. Мен стажировкалар муддати чўзиб юборилган, деб ҳисоблайман. Назаримда стажировка муддати 3—6 ойдан ошмаслиги керак, шундан сўнг у аввалги иш жойига қайтиши ва орттирган тажрибаларини жорий этиши лозим. Жорий этилган янгиликнинг, у олиб борган ишнинг самарадорлигидан келиб чиқиб, уни юқори лавозимга кўтариш мумкин.

Мазкур масалаларнинг ҳаммаси ҳали шаҳар партия комитетида жиддий ишлаб чиқилиши лозим. Шу ўринда Тошкент олий партия мактаби имкониятларидан ҳам янада самаралироқ фойдаланиш керак.

Шаҳар партия комитетининг ҳисоботида, нутқларда норасмий уюшмалар тилга олиб ўтилди. Район партия комитетлари, идеология активи айрим ана шундай уюшмаларнинг назоратсиз қолган фаолияти қандай сиёсий ва идеологик оқибатларга олиб келиши мумкинлигини етарли баҳоламаяптилар. Бизнинг идеология кадрларимиз ҳамиша ҳам уларга муносиб қаршилик кўрсатишяптими? Афсуски, йўқ. Марказий Комитет ва шаҳар партия комитети, бизнинг ҳаммамиз — коммунистлар содир бўлаётган салбий жараёнларни шунчаки кузатибгина турмай, қайта қуриш муаммолари билан чайқовчилик қилаётган, миллатчиликни тарғиб этаётганларга, демократиялаш масалаларига бўйича зарарли ғоявий дунёқарашларни тарқатаётганларга зарба беришимиз керак. Албатта, бу ўринда турли тақиқлар билан ишни ўнглаб бўлмайди. Изчиллик билан мулоқот олиб бориш, сиёсий экстремизмга қарши ҳужумкор идеологик кураш олиб бориш керак.

2-автобус парки ҳайдовчиси Э. А. АЗАМАТОВ сўзидан

— Шаҳар ҳаёти транспортдан бошланади. Бугунги кунда халқ хўжалиги барча тармоқларининг унумдорлиги тўғридан-тўғри транспорт билан боғлиқ. Агар транспортнинг ёмон иши туфайли кимнингдир эрталабдан кайфияти бузилса, ундан бевосита иш жойида ижобий самарани кутиб бўлмайди. Шундай экан, транспорт муаммосини ҳамжиҳатлик билан ҳал этиш лозим. Ҳозир эса биз шаҳар партия комитети ва шаҳар ижроия комитетининг ёрдамини ҳис этмаяпмиз. Маршрутларда ҳайдовчиларнинг маиший шароитлари ва овқатланиши яхши йўлга қўйилмаган, ҳайдовчиларга квартиралар ажратилмайди, саломатлигимизни тиклаш учун путёвкалар беришмайди.

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг барча турдаги транспорт ишини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш бошқармаси ҳеч қачон транспортчилар билан маслаҳатлашмайди, уларнинг бекатларни ташкил этиш, автобус маршрутларини метрополитен иши билан мувофиқлаштириш, энг самарали маршрутларни белгилаш борасидаги таклифларни эътиборга олмайди. Ўртоқ А. М. Муинов раҳбарлигидаги мувофиқлаштириш бошқармаси автопарк раҳбарлари билан маслаҳатлашишни истамайди. Мен шу ўринда ёш, ғайратли, оператив кадрлар зарур, деб ўйлайман.

Саноат ва алоқа корхоналарининг қурилиш ташкилотларининг уларга хизмат кўрсатаётган, ўзини молиявий оқламаётган маршрутлар кўраётган зарарни қоплаши устида ҳам ўйлаб кўриш керак. Бундан ташқари бошқа шаҳарларда асосан электр транспорти билан хизмат кўрсатишга кўпроқ эътибор берилади, уларнинг ёрдамида пассажирларнинг қарийб 60 проценти ташилади. Бизда эса бунинг акси. Ваҳоланки бу экологияга, шаҳар атмосферасига боғлиқ.

«СредазНИИгипрогаз» инженери В. М. ТЮГАЙ сўзидан

— Шаҳар партия ташкилотининг ревизия комиссияси иши хусусида тўхталиб ўтмоқчиман. Назаримда, унинг ишига раҳбарият нисбатан ғов бўлади, у ревизия комиссияси аъзоларидан кутиш мумкин бўлган самарани ололгани йўқ.

Ишнинг ташкилий томони устида тўхталиб ўтаман. Ревизия комиссиясининг аъзоси сифатида мен юқори органларнинг, ревизия комиссияси раҳбариятининг ёрдамини деярли сезганим йўқ. Йил бошида бизларни районларга тақсимлашди. Мени Киров районига бириктиришди ва мен район партия ташкилоти ревизия комиссиясининг раиси бўлан алоқада ишладим. Шу билан аслида бизнинг алоқаларимиз тугади. Ҳисобот докладида мазкур комиссия мажлислари мунтазам ўтказилмаганлиги гапириб ўтилди. Қўшимча қилишим мумкин, комиссия аъзоларини хабардор қилиш ҳам йўлга қўйилмаган эди. Бунда бизнинг ҳам айбимиз бор, аммо тан олиш керак, сўнгги бир-бир ярим йил мобайнида мени бирор марта ҳам ревизия комиссиясининг мажлиси бўлиши ҳақида олдиндан огоҳлантиришгани йўқ. Ревизия комиссияси аъзоларининг ўқишини, уларнинг сиёсий-назарий савиясини ошириш, уларни ташкилотчилик ишлари кўникмаларига ўргатишда ҳам уюшқоқлик бўлмади. Энг муҳими уч йил ичида ревизия комиссиясининг раҳбариятига ягона ишчан, коллегия органни, барча вазифаларни баҳамжиҳат ҳал қила оладиган органни вужудга келтира олмади. Ревизия комиссиясининг ҳар бир аъзоси ўз билганича ишлади, ўз ҳолига ташлаб қўйилди.

Ревизия комиссиясининг бўлажак составини комиссиянинг фаолият йўналишлари бўйича 5—7 кишидан иборат алоҳида группа ва секцияларга бўлиб ташлаш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайман. Бу ишга раҳбарлик оперативлигини, ревизия комиссияси барча аъзоларининг активлигини ошириш имконини беради.

СССР 50 йиллиги номли «Тошкент трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмасининг пармаловчиси Т. И. ЯСТРЕБОВА сўзидан

— Шаҳар партия комитетига Тошкент аҳолиси фаровонлигини ошириш таъминланмади, деб қайд этишга тўғри келди. Бозорларда нархлар осмони-фалакда, магазинларда зарур ассортиментдаги товарларни топиб бўлмайди, хўжалик магазини йўқ. Шу ўринда мен тракторсозлар шаҳарчасини назарда тутаяпман. Аммо ўйлайманки бошқа районларда ҳам аҳвол шундай бўлса керак.

Яна бир муаммо — уй-жой муаммоси хусусида тўхталаман. Ҳозир корхонада 1700 киши квартира олиш учун навбатда турибди. Завод ташкил этилганидан бери бунча одам навбатда турмаган эди. Партия комитети ва маъмурият ишлаб чиққан «Уй-жой» комплекс программаси амал қилаяпти. Аммо турли узилишлар бўлиб турибди. Трактор заводи икки йилдан кўпроқ шаҳар ижроия комитетидан пайчилик иштироки учун ажратиладиган уйларни номаълум муддатларга сурмасликни илтимос қилиб келди. Ниҳоят, бу масала ҳал этилди. Биз квартираларни олаяпмиз, беш йиллик охиригача квартираларни ажратиш графиги мавжуд, унга амал қилиш қолади ҳолос.

Келаси йили хўжалик усулида қурилган 152 квартирани фойдаланишга топшириш планлаштирилган. Аммо хўжалик ҳисобининг ўз қийинчиликлари бор. Ўз ремонт қурилиш бошқармамизнинг моддий-техника базаси ҳозир ташкилий босқичда турибди. Материалларни ва механизмларни ҳақиқий маънода ундиришга тўғри келаяпти. Шу ўринда шаҳарнинг ёрдами керак, ўйлайманки, фақат бизга эмас. Жумладан бу корхонадан олисда ажратилаётган қурилиш учун майдонларга ҳам таллуқли.

Шаҳар партия комитети аппаратига истагимиз бор. Масалаларнинг ҳал этилиши, шаҳар партия комитети аъзоларининг иш натижалари ҳақида бизни оператив равишда кенг хабардор қилиб турилса яхши бўлар эди. Шаҳар партия комитетининг аъзоси иш вақтида ишлаб чиқаришда банд бўлишини ҳисобга олиб, ҳам тан оламиз. Медицина ходимлари ҳали юқумли гепатит касаллигининг камайишига эришганлари йўқ. Ушбу масалани ҳал этиш учун барча стерилизация бўлимларининг ходимлари улар олдига қўйиладиган талабларга мувофиқ бўлишига эришиш, ана шу бўлимларда ишлаётган кадрлар масаласини яна бир бор қайта кўриб чиқиш лозим. Уларни юқори малакали, ҳалол ходимлар билан комплектлаш керак.

Соғлиқни сақлашда амбулатория-поликлиника тармоғи муҳим аҳамиятга эга. Тошкентдаги поликлиникалар асосан мослаштирилмаган, яхши ёритилмаган хоналарда жойлашган, кадрлар етишмайди.

Ишлаб чиқаришдаги иш шароитларига, айниқса хотин-қизларнинг иш шароитига эътиборни яхшилаш, мактабгача болалар муассасалари ва мактаблардаги шароитларни яхшилаш касалликларнинг қамайишига кўп жиҳатдан ёрдам берган бўлур эди.

Самарали ишлаш учун врачларга яна бир қатор шароитларнинг етишмаётгани эътиборни талаб қилади: уларнинг ўз пионер лагерлари, спорт базалари, профилакторийлари йўқ.

«Алгоритм» заводининг директори Р. Р. РАЖАБОВ сўзидан

— Дарҳақиқат, ҳисобот даврида шаҳар партия ташкилоти томонидан кўп ишлар қилинди. Шу билан бирга адолатдан айтиш керак, ҳали қилинмаган ишлар ҳам кўп. Агар сўнггги уч конференция даврида қабул қилинган қарорларга назар ташлайдиган бўлсак, уларнинг 50—60 проценти бажарилганлигини, шу билан бир қаторда ҳал этилишини кутаётган янги масалалар пайдо бўлганлигини, қарорларнинг 50 процентига яқини эса мана ўн йилдан бери — конференциялар ўтаяпти, ҳал этилмай қолмоқда. Биз уларни бир докладдан иккинчисига кўчирамиз, бир пленумдан иккинчи, учинчи, тўртинчи, бешинчи пленумларга ўтказамиз, натижада ўзимизнинг ҳам, ўртоқларимизнинг ҳам вақтини оламиз.

Биз мунтазам бажарилмаётган тадбирларни таҳлил этмаётган кўринамиз. Шаҳар партия комитетига, сиз билан бизга ҳал этилмаётган проблемаларни системалаштириш, таҳлил этиш ва улар юзасидан аниқ чора-тадбирлар кўриш ёки бир марта сўзга чиқиб: бу ҳақда гапириб, бир-биримизни танқид қилиб ўтирмаймиз, бу нарса бўлмайди ёки уни бажаришнинг иложи йўқ дейиш керак.

Мисол учун мендан олдин ўртоқлар сўзга чиқишди. Илгари транспорт ўзини қопламайди, трамвай ва троллейбусларда қатнов таннархини ошириш керак, дер эдик. Қатнов нархини оширдик. Транспорт эса ҳамон ўзини қопламаяпти. Яна бир мисол. Уч-тўрт йилдан бери «тез ёрдам» машиналарига бензин кам ажратилади, соғлиқни сақлаш системамиз «оқсаяпти», эски шаҳарда муаммолар кўп, деган гапларни эшитиб келамиз. Биз ўн йилдан бери гапириб келаётган яна кўпгина масалаларни санаб ўтиш мумкин. Муаммоларни пухтароқ ўрганиш керак: ёки биз ҳаддан ташқари кўп нарсаларни истаймиз — имкониятларимиз эса чекланган, ёки биз у ёки бу масалани қай йўсинда ҳал этишни, уни ҳал этишга қандай ёндошишни билмаймиз.

Шундай масалалар борки, туб ечимни талаб қилади, шундай масалалар борки, соф инсоний муносабатни тақозо этади. Биз уй-жой массивларининг комплекс қурилиши ҳақида кўп гапирамиз. Мисол учун «Алгоритм» ва «Қизил шарқ» массивларини олайлик. Ҳозир бу ерларда 30 минг аҳоли истиқомат қиляпти. Массивларда эса битта нон магазини, битта дорихона филиали бор, соғлиқни сақлаш объектлари эса йўқ. 30 минг аҳолига битта ҳам телефон-автомат ўрнатилмаган. Мисол учун шаҳар партия комитети бюросининг аъзолари бир марта тўпланиб, эрталабдан кечгача туриш-тўрмушимиз билан танишишса, бизнинг аҳволимиздан хабардор бўлишса, имкони бўлса ёрдам беришса, имкони бўлмаса ўзингиз бир иложини қилаверинг, дейишса бўлмайдими?

Конференция яхшигина қарор қабул қилади. Агар шаҳар партия комитети ниҳоят уни амалга оширишнинг аниқ босқичларини белгиламаса, у ҳам бажарилмай қолиши мумкин. Ҳамма нарсага бирданига улгуриб бўлмайди, куч етишмайди.



11-«Висотстрой» трестининг бригадири А. И. ГОЛУБЕВ сўзидан

— Уй-жой энг муҳим масалалардан бири. У қандай ҳал этилаяпти? Кўп рақамларни келтириб ўтирмайман, бир нарсани айтишим мумкин: «Ташгорстрой» давлат капитал маблағларини тўла олмаганлиги учун шу беш йилликда уй-жойларни фойдаланишга топшириш планини тўла бажармайди. Иккинчи томондан уй-жой муаммосини ҳал этар эканмиз, қурилишларни комплекс равишда олиб бормаётганлигимиз сабабли ўз-ўзимизга социал соҳа муаммоларини вужудга келтираяпмиз.

Конференцияга тайёргарлик кўриб, мен қурилишдаги вазият билан танишдим, ўз хулосаларимни чиқардим. Бу қандай хулосалар? Госплан планлаштиради, «Ташгорстрой» мавжуд қувватлардан келиб чиқиб ўз планларини шакллантиради, шундан кейингина шаҳар ижроия комитети шаҳар эҳтиёжи учун қандайдир қурилиш масалаларини ҳал этишни сўрайди. «Ташгорстрой» қувватлари эса бунга қодир эмас. Шунинг учун шаҳарда планлаштириш ва планларни ҳаётга жорий этиш масалалари билан шуғулланувчи бир хўжайин бўлиши лозим, деб ҳисоблайман. Шаҳар ижроия комитети ана шундай хўжайин бўлиши керак.

(Охири 4-бетда).

Тошкент тўқимачилик комбинати йигирувчиси Д. М. ҚОСИМОВА сўзидан

— Докладда қайта қуриш борасида шаҳар партия ташкилоти амалга оширган ишлар қайд этиб ўтилди. Шаҳримизда, районимизда комбинатимизда ижобий ўзгаришлар рўй беряпти. Бу кайфиятимизни кўтаряпти, янада яхшироқ меҳнат қилишга, фаровон ҳаёт қуришимизга ғов бўлаётган барча тўсиқлардан халос бўлишга даъват этяпти.

Шу билан бирга шаҳарда қандайдир норасмий уюшмалар фаолият кўрсатаётгани, уларнинг тўғридан-тўғри миллатчилик руҳидаги, ҳаётимизга нисбатан душманлик, иғвогарлик руҳидаги талаблар билан чиқаётганлиги кўпминг кишилик коллективимизни ташвишлантиряпти, безовта қилаяпти.

47 миллат вакиллари бир оила бўлиб меҳнат қилаётган, бутун тарихи, шаклланиши мамлакатимиз халқларининг дўстлиги ва ўзаро ёрдамига мустаҳкам боғлиқ бўлган бизнинг коллективимизда бу хилдаги чиқишлар фақат норозилик туйғуларини уйғотиши тушунарли.

Гуллаб турган шаҳримизни зилзила бир лаҳзада вайрон қилган 1966 йилда қандай қулфатни бошимиздан кечирмадик. Ўшанда бутун мамлакат, барча қардош халқлар ёрдамга келиб, қисқа вақтда Тошкентни вайроналардан қайта тиклашган, уни янада гўзал қилишганди. Арманистондаги зилзила ҳақидаги хабарни дард-алам билан эшитдик. Уларнинг қайғуси бизнинг қайғумиз. Коллективимиз ишдан бўш вақтда ишга чиқишга, қардош республикага баҳоли-қудрат ёрдам беришга тайёр. Партия бизни ана шундай тарбиялаган, оилада бизни шундай тарбиялашган. Коллективимиз номидан барча делегатларга, уларнинг меҳнат коллективларига Арманистон меҳнаткашларига ёрдам беришни таклиф қиламан.

Менинг ўзим Андижонда, интернационал оилада туғилганман. Отам — ўзбек, онам — рус. 13 ёшда ота-онасиз қолганман. Акаларим ва опаларим, тожик, қирғиз, турк бирлашиб кетган, уларнинг оилалари мени оёққа тургизишимга ёрдам берди. Комбинатнинг биринчи фабрикаси кўпмиллатли коллективи мени ўз қадрдонидек кутиб олди. Мана ўн йилдирки, ана шу ерда ишлайман. Менинг яхшигина йигирувчи бўлишимга, техникумни тугатишимга ёрдам беришди. Шу ерда мени КПСС сафига қабул қилишди. Эндиликда ўзим ёшларга ёрдам бераяпман. Уч группа ёшларга касб ўргатдим. 11 миллатга мансуб қизларга ҳақиқий иш ўргатдим, бу билан фахрланаман.

Бизни бир-биримиз билан ториштирмоқчи, орамизга нифоқ солмоқчи бўлганларнинг ҳаракатлари беҳуда.

Октябрь район партия комитети биринчи секретари Х. С. ОРИПОВ сўзидан

— Шаҳар партия комитетининг иқтисодий ислоҳотни демократиялаш, кадрлар билан ишлаш борасидаги фаолиятида силжишлар сезиларли, улар куч-қувватга тўлиб бораяпти десам, кўпчилик делегатларнинг фикрини ифода қилган бўламан, деб ўйлайман. Бунинг самараси яққол кўриниб турибди — экономикада, социал соҳада бурилиш кўзга ташланяпти, шаҳар меҳнат коллективларида маънавий-сиёсий муҳит яхшиланиб бораяпти.

Буларнинг ҳаммаси яхши. Аммо шаҳар партия комитетининг ишида янгича ёндашувлар машаққат билан ўзига йўл очаётганлигидан, ўзгаришларнинг зарурлиги ҳақидаги сўзлар амалий иш билан ҳали бўш мустаҳкамланаётганидан кўз юмиб бўлмайди. Назаримда, шаҳар партия комитети бюроси, сайланма актив уй-жой ва озиқ-овқат муаммолари каби муаммоларни ҳал этишда, ана шу социал муҳим масалаларга доир ташкилий ва сиёсий ишларни қайта кўриб чиқишда ҳали турғунлик инерциясини енгиб ўтолганлари йўқ.

Шаҳар партия комитети маъқуллаган «Уй-жой» программасини олайлик. Амалда биз шаҳардаги ҳар бир районнинг ўзига хос социал хусусиятлари унда етарли даражада ҳисобга олинмаганлигига ишонч ҳосил қиламиз. Жумладан, аҳоли жон бошига уй-жой билан таъминланганлик жиҳатидан Шаҳар партия комитетининг ёрдамини ҳис этмаяпмиз. Маршрутларда ҳайдовчиларнинг маиший шароитлари ва овқатланиши яхши йўлга қўйилмаган, ҳайдовчиларга квартиралар ажратилмайди, саломатлигимизни тиклаш учун путёвкалар беришмайди.

20-поликлиника врачи Л. И. ЕМЕШИНА сўзидан

— Соғлиқни сақлашдаги муайян силжишлар ҳақида гапирар эканмиз, ҳақли равишда докладда кўрсатиб ўтилган камчиликларни

XXVI Тошкент шаҳар партия конференцияси

(Охири. Боши 1, 2, 3-бетларда).

Қурувчилар ҳам кўпгина ишларни қилишлари зарур. Биз ҳар бир коммунистнинг активлигини оширишимиз лозим. Афсуски, ҳозир кўпгина партиясизлар айрим коммунистларга нисбатан фаолроқ ҳаётий позицияга эга, уларнинг бутун активлиги партия ташкилотлари учун ишлаётган, унинг номидан ҳисобот бераётган партия ташкилотлари секретарлари билан тугайди.

Абдулла Қодирий номидаги маҳалла комитетининг раиси Н. РАҲМАТУЛЛАЕВ сўзидан

— Биринчидан, мендек партиясизни шаҳар партия конференциясига таклиф қилиб, сўз берганингиз учун миннатдорчилик изҳор этмоқчиман. Кўп нарсалар ҳақида гапиришни истардим. Кўпроқ маҳалла аҳолисини ҳаяжонлантираётган нарсалар устида тўхталаман. Маҳалла комитети кўпгина тадбирларни, масалан ҳашарларни ўтказади. Қурилишлар олиб борамиз, кўчатлар ўтказамиз, ободонлаштириш ишларини олиб борамиз. Район ижроия комитетлари, бошқа ташкилотлар амалда ҳеч қандай моддий ёрдам беришмайди. Кўпчилик ҳамшаҳарларимиз Фарҳод бозори хизматидан фойдаланишади. Аммо бозор ҳаракат ниҳоятда гавжум чорраҳада жойлашган, гавжум автомагистраль билан иккига бўлиб қўйилган. Бу бозорга полиз маҳсулотларини етказишда қийинчилик туғдиради, чунки транспорт тўхташини ман этувчи кўпгина белгилар осилган, юкни бир неча юз метр кўтариб бориш амри-маҳол. Чорсу бозорида ҳам аҳвол тахминан шундай. Шундай қилиш керакки, сотувчиларга ҳам, харидорларга ҳам қулай бўлсин. Шаҳримизнинг аввалги фахри бўлмиш тиниқ каналлар ҳақида гапирмай ўтолмайман. Ана шу каналлардан бир вақтлар сув ичилганини одамлар эслашса керак. Ҳозир эса кўпчилик аҳоли уларга ахлат тўкяпти. Аҳоли маданиятини тарбиялаш билан ҳеч ким шуғулланмаётган экан, нега энди тегишли хизматлар канал ва ариқларни булғаётганларга нисбатан тегишли чораларни кўришмайди?

Мен сўзга чиққан ўртоқларни тингладим. Ҳамма у йўқ, бу йўқ, деди. Неча йиллар бўлдики, йўқ, йўқ деган сўздан бошқа нарсани эшитмаймиз. Шундай ишлаш керакки, ҳамма нарса бўлсин.

«Ёш гвардия» театрининг артисти Г. М. ЖАМИЛОВА сўзидан

— Бу ерда биз бошимизга тушган кўнгилсизликлар, жамиятимиздаги иллатлар тўғрисида гапиряпмиз. Бироқ назаримда киши қалбини ларзага солаётган, тилка-пора қилаётган асосий иллат бу лоқайдликдир. Биз ўз яқинларимиз, атрофимиздагилар бошига тушган кулфатни ҳис этишни, ўзгалар муваффақиятидан қувонишни унутиб қўйдик, маънавий кўрлик ўз навбатида руҳий ва моддий қашшоқликка олиб келмоқда. Санъатнинг ҳар бир киши, демак жамият ҳаётидаги аҳамияти ҳалокатли даражада пасайиб кетганлиги учун ҳам мен изтироб билан шундай демоқдаман. Бу охир-оқибатда ўрнини тўлдириб бўлмайдиган йўқотишларга олиб келади, яъни миллат ўз маданиятини йўқотмоқда.

1989 йилдан бошлаб ҳамма театрлар хўжалик ҳисобига ўтиб ишлайдилар. Афсуски, менда ўзбек театри бу синовга бардош беради, деган ишонч йўқ. Театр рақобатга чидай олмаган тақдирда эса уни ёпиш керак. Агарда йиллар давомида республикада томошабинларнинг театрдан безиш анъанаси қарор топмаганида бу адолатдан бўларди. Театрларга бериш даражаси ниҳоятда паст. Лекин бунга фақат театрлар айбдор эмас. Ўз фарзандларингиз билан уларнинг улуғ ўзбек актёрлари, музикаси тўғрисида нималар билишлари ҳақида суҳбатлашиб кўринг, уларнинг умуман миллий маданият ва унинг илдизлари ҳақида нималар билишлари билан қизиқинг. Мактабда бунга ўқитишмайди, оилада бу ҳақда гапиришмайди. Театрга бутун оила билан бориш, спектакларни бутун маҳалла билан муҳокама қилиш вақтлари ўтди. Биз «Ёш гвардия»да бу анъанани тиклашга интиляпмиз. Зеро бундай мулоқот ҳаммамиз учун ҳам жуда муҳим деб ҳисоблаймиз. Томошабинни тарбиялаш керак, мактабда эстетика дарсларини ўтилиши зарур. Янги авлод ўз маданиятини билиши лозим. Бунинг учун шарт-шароитлар яратиш зарур. Мослаштирилган бинога жойлашган театрга келган кишига театр — бу сарой эканлигини қандай тушунтириш мумкин? Унда санъатга нисбатан ҳурматни қандай тарбиялаш мумкин?

Сайланма партия активи ишининг шу жиҳатини тушуниш ҳам муҳимки, билимларга таяниб, ижодкор зиёлиларни ҳаяжонлантираётган муаммоларни ҳал эта бориб кўпгина масалаларнинг ҳал этилишига ўз вақтида, энг муҳими малакали ёрдам бериш мумкин бўлади.

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг электроника институти директори У. Ҳ. РАСУЛЕВ сўзидан

— Ҳаммамиз биламизки, ижодкор зиёлилар илмий зиёкорларга қараганда анча фаолдирлар. Ҳозирги кунда нафақат мамлакат, балки бевосита республикамиз олдида турган вазифалар ниҳоятда кўп. «Мамлакатга қанча пахта керак?» деган оддийгина саволдан бошлай қолайлик. Мен пахта монокультура дея ваҳзхонлик қилишни эмас, балки илмий асосланган ва пухта ўйланган мунозарани назарда тутяпман. Унда албатта фақатгина регионни эмас, балки бутун мамлакат манфаатларини ҳисобга олиб керак. Хўш бу ишни олим одам қилмаса ким қилади?

Иккинчи масала: нима учун республика қарз олмоқда? Бу ўринда ҳам гап-сўз кўп-у, бироқ илмий асосланган тушунтириш йўқ. Регионал хўжалик ҳисоби, миллатлараро муносабатлар тўғрисида ҳам шундай дейиш мумкин. Шунинг учун ҳам биз шунчаки гапириш билан чекланмай, биринчи секретардан тортиб ишчи-ю деҳқонгача тушунарли бўлган, ўзбекка ҳам, рус, тожик, яҳудийга ҳам бир хилда тушунарли бўлган иш қилишимиз керак.

Бу эътироз биринчи навбатда албатта Ўзбекистон ССР Фанлар академияси президиумига тегишлидир, бироқ, бу эътироз шунингдек шаҳар партия комитетига ҳам тааллуқлидир. Бу масалаларни олдинроқ кўтариш керак эди. Аниқ (табиий) фанлар олимларига ҳам адолатли ва жиддий эътирозларимиз бор. Республика Фанлар академияси олдида турган вазифаларга келсак авваламбор машинасозлик, ҳисоблаш техникаси, биотехнологияга тааллуқли бўлган бутун фанлар комплексини ривожлантириш зарур.

Фаннинг марказлаштирилишини такомиллаштириш ва маҳкамачилик бюрократиясига бўйсунмаган ҳолда маблағ билан таъминлаш учун афтидан республика фонди ташкил этиш даркор. Фондни олим ва экспертлардан иборат бўлган мустақил Совет бошқариши ва регионал аҳамиятга эга бўлган илмий ишларни конкурс асосида маблағ билан таъминлаши лозим. Бундай фондни республика корхоналари, ташкилотлари ва маҳкамалари кўрадиган фойданинг бир қисмини ўтказиш ёхуд фойдадан олинадиган солиқнинг бир қисми (мисол учун чет элларда шундай қилинади) ҳисобига ташкил этиш мумкин.

Регионал вазифаларни ҳал этишда академик, олий ўқув юртлари ва маҳкама фанларини конкурс асосида маблағ билан таъминланадиган республика миқёсидаги программа доирасида мувофиқлаштириш жуда муҳимдир.

2-автокомбинат партия комитетининг секретари Л. В. КЛЕСТОВ сўзидан

— Бугун мени энг аввало, пассажир транспортини ривожлантириш масаласи, шаҳар партия комитети, район партия комитетлари, бошланғич партия ташкилотларининг транспорт муаммосини ҳал этиш борасидаги иши ҳаяжонлантирмоқда. XXV шаҳар партия конференциясида ҳозир бўлган делегатлар шаҳар партия комитетининг биринчи секретари Б. Ф. Сатиннинг транспорт муаммоси ҳал қилинади, деб ишонтирганлигини эслашса керак. Шаҳар партия комитети мазкур масалага кўп эътибор берди: қарорлар қабул қилинди, кенгашлар ўтказилди. Аммо кўриб турибсиз, муаммолар бартараф этилгани йўқ. Гап шундаки, қарорларнинг бажарилиши устидан назорат бўш амалга ошириляпти, қарорлар муддати тугаганидан кейин эса, узун ва қисқа ахборотлар талаб қилишяпти. Жойлардаги партия ташкилотлари қарорларнинг бажарилишини ташкил этишга қодир бўлсаку яхши-я. Қодир бўлмасачи? Айнан шундай пайтда партия органларининг, биринчи навбатда шаҳар партия комитетининг аниқ ташкилотчилик иши керак бўлади.

Шаҳар ва район партия комитетларининг ходимлари ҳамон кўп вақтларини кабинетларида ўтказишади, ҳар хил справкалар, ҳисоботларни тузиш, пленумларга ахборотлар, масалаларни тайёрлаш билан банд бўладилар. Зеро, вазият ҳақидаги билимни улар ахборотлардан олишар экан, табиийки, қарорларнинг аниқ бажарилиши ҳам бўлмайди.

Тошкент метрополитени слесарлар бригадасининг бошлиғи Е. А. СЕРГЕЕВ сўзидан

— Биз метрополитен коммунистлари қайта қуриш фақат шиорлару, чақириқлардан иборат эмас, деб ҳисоблаймиз. Қайта қуриш бу — гапдан конкрет ишга ўтиш демакдир. Бизнинг қандай ишлаётганимизга поездларнинг қатъий график бўйича юришига, вагон ва станцияларнинг озодалигига қараб ҳам баҳо беришингиз мумкин. Ҳар куни 400 минг жуфт кўз бизнинг ишимизни назорат қилади.

Бироқ бизда ҳали ҳал этилмаган қатор муаммолар бор. Келгуси йилда Ўзбекистон линиясининг Навоий станциясидан Чорсугача бўлган учинчи навбати ишга туширилади. Бироқ ишламаётган вагонларни четга қўйиш учун жой йўқ. Ҳатто ҳозир ҳам биз электр поездларни қоидасидек депога эмас, иккинчи даражали йўлларга ёки очиқ жойларга қор, ёмғир остида, офтобда қолдиришга мажбурмиз. Ваҳоланки бу хўжасизликнинг ўзгинасидир. Аммо ўзга илож бўлмагач нима қилайлик? Депони республика қурилиш министрлигининг 6-трести қурмоқда. Аммо мана уч йилдирки на Ўзбекистон ССР Госплани, на Госснаби унинг устини ёпиш учун 150 тонна турли қурилиш материалларини етказиб беришни ҳал этолмайди. Бунда шаҳар партия комитети ҳам бизга етарли ёрдам бермаяпти. Вагонларни ремонт қилувчи завод қурилиши ҳақида гапирмаса ҳам бўлади. Қурилажак Юнусобод линияси, коллективнинг социал масалаларидаги муаммолар ҳам оз эмас.

Метрополитен кунига бир миллиондан ортиқ тошкентликнинг узоғини яқин қилиши мумкин. Бироқ биз 400 минг киши, Ўзбекистон линиясида эса кўпинча «ҳаво» ташияпмиз. Бунинг сабаби шундаки айрим «ақлли» каллалар ер усти транспорти ва метрополитен ишини мувофиқлаштира олмаганлар. Шунинг учун ҳам энг замонавий прогрессив шаҳар транспорти 6 миллион сўм қарз олишга мажбур...

Фрунзе район ижроия комитетининг раиси Ш. Х. НИЗОМОВ сўзидан

— Шаҳарнинг ҳамма районларида саноат, коммунал қурилиш, ободонлаштириш соҳасида хўжалик юритишнинг янги формалари қарор топмоқда. Хўжалик ҳисоби ҳатто мактабга ҳам кириб бормоқда. Кооперация тез ривожланяпти. Бироқ умумшаҳар миқёсида шаҳар партия комитети янги ҳодисаларни таҳлил этмаяпти, хўжалик юритишнинг илғор тажрибаларини умумлаштирмаяпти, янги шароитда партиявий-сиёсий ишларни ташкил этишда партия органларига ёрдам бермаяпти. Биз партия, совет органлари ходимларига, хўжалик раҳбарларига, коллектив тажрибадан фойдаланиб тавсиялар бериш учун шаҳар партия комитетига тез орада илмий-амалий конференция ўтказишни таклиф этамиз.

Кооперативларда ишлаётган коммунистларни партиявий раҳбарлик билан таъминлаш масаласи ҳам ўткир бўлиб турибди. Улардан айримлари бутунлай партия ташкилотлари назоратидан чиққан. Шаҳар партия комитети кооперативларда ишлаётган коммунистларга нисбатан ҳамон ўз позициясини белгилаб олгани йўқ. Ваҳоланки, уларнинг сони кундан кун ошиб бормоқда. Шу боисдан биз коммунист-кооператорларни бирлаштирувчи территориал бошланғич партия ташкилотлари тузишни таклиф этамиз.

Советларнинг роли ошиши билан бирга, совет органларида ишловчи кадрларнинг ҳам роли ошиб бормоқда. Район партия ва ижроия комитети совет аппарати кадрларини олий партия мактабларида тайёрлаш ва совет ходимларини мамлакатнинг марказий регионларида стажировкадан ўтказишни таклиф этади.

Ўзбекистон ССР халқ ёзувчиси Туроб ТЎЛА сўзидан

— Ижодий союзлар аъзолари доимо халқ ғам-ташвиши билан яшайдилар. Ҳамза ва Абдулла Қодирий, Ойбек ва Ғафур Ғулом анъаналари бизнинг кунларда янада бойимоқда ва мустаҳкамланмоқда. Бугун биринчи планда мамлакатимизда бошланган қайта қуришнинг адабиётда қандай акс этаётганидир. Республика ёзувчилари бугунги кун руҳи, экология масаласи, Орол муаммоси, пахтачилик ривожига оид қатор китоблар ёзишди. Уларда баён этилган баъзи фикрлар, қарашлар ҳам бир-бирига қарама-қарши.

Демократия, ошкоралик фақат ижобий кучларнигина ҳаракатга келтиргани йўқ. Норасмий бирлашмалар, турли оқимдаги ташаббускор группалар пайдо бўлди. Айримларнинг программаларида шундай нарсалар ҳам борки, улар қайта қуришга, совет турмуш тарзига, давлатимиз бирлигига мутлақо зиддир. Миллатчилик интернационализмга қарама-қарши қўйилмоқда. Ёзувчилар партия ташкилоти биринчи навбатда улар билан боғланишга, программалари билан танишишга, хатоларини кўрсатиб, фикрларини соғломлаштиришга қарор қилди.

Шундай учрашувлар бўлиб ўтди. Ҳамма очиқчасига, фаол гапирди. Норасмий бирлашмалар фаолиятнинг кўпгина қирралари белгилаб олинди, ҳамкорликда айрим масалалар, хатолар муҳокама қилинди. Бизнинг партбюро тажрибали ўртоқларимиз аъзо бўлган ва норасмий бирлашмаларга ёрдам берадиган махсус комиссия тузди. Нима учун? Шундай бирлашмалар пайдо бўлган экан бундан кўз юммаслик керак, кўриб кўрмаганга олиш ярамайди. Улар билан ишлаш; ҳақиқатни етказиш, ишонтириш, куч-ғайратларини муҳим вазифа ва муаммоларни ҳал этишга йўналтириш зарур.

«Ўзбекистон» кўн бирлашмаси ишчиси А. С. ДАВЛАТОВА сўзидан

— Мен ҳар биримизни ташвишлантираётган масалалар хусусида гапирмоқчи эдим. Сергели райони меҳнаткашларини зарур нарсалар билан таъминлаши лозим бўлган хизматлар ўз фаолиятларини талаб даражасига кўтара олганларида бизнинг ютуқларимиз бундан ҳам каттароқ бўлиши мумкин эди. Мисол учун бизнинг район жуда тез ривожланмоқда, бироқ, транспорт билан таъминлаш эса илгаригидек. Қурилиш комплекс бўлмаганидан болалар боғчалари, ўқувчилар жойи муттасил етишмайди. Ҳозир район аҳолиси поликлиникалар билан 55 процентга таъминланган. 1990 йилга келиб эса бу кўрсаткич 48 процентни ташкил этади. Районда замонавий кинотеатр, спорт комплекси йўқ. Шаҳар ижроия комитети эса бизнинг таклифларимизни кейинга сургани сурган.

Шаҳар партия комитети йўл қўйилган камчиликларга айбдорлардан қаттиқроқ сўраши ва уларни тугатиш юзасидан чора кўрмоги лозим. Ишчилар эса бу ғамхўрликка зарбдор меҳнат билан жавоб берадилар.



Тошкент Давлат университетининг катта ўқитувчиси М. Т. ЗОҲИДОВ сўзидан

— Қайта қуриш мамлакатимизнинг турли регионларидаги қарама-қаршиликларни кўрсатди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг охирги пленуми республика кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш, уларни раҳбарлик лавозимларига кўтариш масаласи ҳамон актуал бўлиб турганлигини яна бир бор тасдиқлади: мен КПСС сафидан чиқарилган тўрт кишини назарда тутяпман. Шунинг учун ҳам ўтмишдаги хатоларни фош этиш орқали бугунги кундаги ижобий ҳодисаларни пропаганда қилиш ва аксинча салбий ҳодисаларни кўрсатиб бериш шу кун учун долзарбдир.

Нотиқ шунингдек Ўзбекистон ССР Фанлар академиясида олдинги раҳбарлар протекционизмга йўл қўйганликларини, республика раҳбар ходимларининг қариндошлари ишга жойлаштирилганлигини, кадрлар танлашга панжа орасидан қаралганлигини ва айрим ходимларнинг илмий ишлари назорат қилинмаганлигига тўхталиб ўтди. Академиянинг собиқ президенти ана шу салбий ҳодисаларни тугатишга эътиборсиз бўлган.

М. Т. Зоҳидов ўзи муҳим деб ҳисоблаган яна икки масалага диққатни тортди. «Ҳамма нарсани рад этамиз» дея республикада яшаётган туб ва бошқа миллатлар ўртасига нифоқ солишга уринаётганларга эътибор бериш керак. Миллатлараро муносабатлар муаммолари билан шуғулланиб миллатлар ичидаги муаммоларни унутиб қўймаслик зарур, деди у.

В. П. Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси партия ташкилотининг секретари Г. В. ШЕВЕЛЕВА сўзидан

— Менимча докладдаги ташкилий-партиявий ишларга бағишланган қисми энг бўш ва таҳлил этилмаган бўлимдир. Ваҳоланки бу иш бошланғич партия ташкилотлари секретарларининг жонажон ишидир. Биз коммунистлар активлиги оқсаганлиги ва аттестация тўғрисида гапириб турли рақамларни келтирамизу бироқ аттестация бизга нима берганлигини таҳлил этмаймиз. Аттестация коммунистлар активлигини оширди деган умумий гап эса фақат кучли, соғлом меҳнат коллективларига, партия ташкилотларига тегишли холос. Бироқ партия ташкилотлари бўш бўлган коллективларда эса анчагина салбий ҳодисаларни келтириб чиқарди. Шунинг учун ҳам аттестация давомида нимага эришганимизга алоҳида эътибор бериш керак.

Партия сафидан чиқарилганлар орасида кўпчилик ишчилардир. Ҳа, ҳақиқатан ҳам улар ўз обрўларини тўкишган, лекин юқорида тилга олинганлардек эмас. Улар пассив эдилар, аъзолик бадалларини тўламагандилар. Уларнинг ҳар бири билан жиддий иш олиб борилди. Аммо шундай бўлсада бошланғич партия ташкилотларида пассивларнинг активлиги оқсаганлиги кўринмаяпти, тўланмаган аъзолик бадалларининг сони камаймаяпти. Шаҳар партия ташкилоти келгусидаги катта ишимиз ҳақиқатан ҳам коммунистларнинг активлигини оширишга йўналтирилган бўлиши учун социологларни жалб қилгани маъқулдир.

1-шаҳар клиник касалхонасининг бош врачи Қ. Т. РИЗАЕВ сўзидан

— Ҳисобот докладидаги шаҳар соғлиқни сақлаш системаси тўғрисида билдирилган танқидий фикрлар тўғри, Ҳа, гарчи кейинги вақтда бу соҳадаги оғир аҳволдан озгина бўлса ҳам силжиш бўлишига қарамай ҳануз биз медицина ходимларининг фикрлашида ва руҳиятида уларнинг ишга ва бутун медицина хизматини ташкил этишларида қайта қуриш бўлмаганлиги туфайли аҳвол ачинарли эканлигини тан олишга мажбурмиз.

Айни вақтда одамлар ўз соғлиқларига эҳтиётқорлик билан муносабатда бўлишлари учун ҳар бир кишининг руҳиятини қайта қуриш ҳам муҳимдир. Бунга эса фақат аҳоли ўртасида санитария, гигиена, маданий тарбияни яхшилаш орқалигина эришиш мумкин. Шунинг учун ҳам ўзбек тилида медицина масалаларини ёритувчи ҳафталик газета нашр этиш масаласини кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайман.

Афсуски, партия эълон қилган кучли социал сиёсат юргизиш йўли ҳали қатор партия, совет ва хўжалик раҳбарларига етиб боргани йўқ. Улар ҳали ҳам бу соҳага эскича ёндашмоқдалар. Соғлиқни сақлаш системасининг моддий-техник базаси яхши ривожланмаган, ҳали ҳам ўз малакасини оширишни ўйламайдиган чаласавод врачлар учраб турибди. Медицина муассасаларини қуриш беш йиллик плани ва министрлик ҳамда ташкилотларнинг бўшаб қолган маъмурий биноларини соғлиқни сақлаш системасига тоқшириш ҳақидаги қарорлар бажарилмаяпти.

Нима учун ходимлари шаҳарнинг социал соҳасидан фойдаланадиган республика ва иттифоқ аҳамиятидаги министрликлар ва ташкилотлар Тошкентда касалхона, туғруқхона, поликлиника қуришмайди? Нима учун шаҳарда соғлиқни сақлаш муассасалари бунёд этиш ва ремонт қилиш учун қудратли базага эга бўлган ихтисослаштирилган қурилиш трести ташкил этиш мумкин эмас?

Шаҳар партия конференцияси кенгайтирилган қарор қабул қилди.

ТУЗАТИШ

Газетанинг кечаги сонидаги Ўзбекистон Компартияси «Тошкент шаҳар комитетининг пленуми тўғрисида информацион билдириш» сарлавҳаси остида берилган ахборотнинг иккинчи устуни юқоридан тўртинчи сатридаги жумла «Салабаева Галина Васильевна — 10-поликлиниканинг бош врачи» деб ўқилсин.

Редактор Т. М. ҚОЗОҚБОЕВ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

В. П. Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси базасидаги
33-УРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
1988-1989 ўқув йили учун

Ўқувчилар қабул қилади

Билим юрти рақамли программа билан бошқариладиган станокларнинг оператори, учиш аппаратларининг йиғувчи-слесари, фрезерчи ихтисослари бўйича юқори малакали кадрлар тайёрлайди.

МАШҒУЛОТЛАР ГРУППАЛАРНИНГ КОМПЛЕКТЛАШУВИГА ҚАРАБ БОШЛАНАДИ.

Ўқиш муддати — 6 ой.

Ўқишга 10-синфни тамомлаган кишилар, шунингдек, Совет Армияси сафларида хизмат бурчини ўтаб қайтган, ўрта маълумотли, Тошкент шаҳрида ва Тошкент областининг пойтахтга яқин районларида яшовчи ёшлар қабул қилинади.

Билим юртига қабул қилинганлар 65 сўм стипендия ва ишлаб чиқариш практикасини ўташ даврида ишлаб топган меҳнат ҳақининг 50 процентини олади.

Билим юртидаги ўқиш даври меҳнат стажига қўшиб ҳисобланади.

Билим юртига кириш учун қуйидаги ҳужжатлар талаб қилинади: паспорт, ўрта маълумот ҳақидаги аттестат, яшаш жойидан справка, 4 дона фотосурат (3х4 ва 4х5 см. ҳажмида).

Бизнинг адрес: 700207, Тошкент шаҳри, Генерал Петров кўчаси 331-уй (8, 30, 151, 171-автобуслар; 6, 29-трамвайларнинг «С. И. Кадишев номли билим юрти» бекати). Телефонлар: 96-58-20, 96-39-72, 96-47-70.

ТОШКЕНТ РАДИОТЕХНИКА ТЕХНИКУМИ

6 ОЙЛИК ТАЙЁРЛОВ КУРСЛАРИГА

ТИНГЛОВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Ўқиш рус ва ўзбек тилларида олиб борилади. Тошкент шаҳрида яшовчи, 8-10 синф битирувчилари ҳамда ўрта маълумотлилар қабул қилинади.

Аризалар қабул қилинмоқда.

Машғулотлар 1989 йил 2 январдан бошланади.

Техникум адреси: Чилонзор массиви, Д-20 квартали, Пограничная кўчаси, 52-уй. Телефон: 76-67-98.

(Транспортлар: 50, 78-автобусларнинг «Мевазор» бекати; 94-автобус; 6, 19-троллейбусларнинг «20-квартал» бекати).

Ёшлик ҳамиша сизга ҳамроҳ бўлади

Агар сиз бизнинг салонимизга ташриф буюрсангиз ана шундай кўркамликка мушарраф бўласиз.

Бу ерда сочингизни чиройли қилиб ўриб қўйишади, сочингизни аъло даражада олишади ёки маникюр қилиб қўйишади. Булардан ташқари массаж, косметика, педикюр сингари бошқа хизматлар ҳам мавжуд.

Салоннинг ишлаш вақти ва кўрсатиладиган хизматлар ҳақидаги справкаларни 0-65 ва 68-45-79 телефонлари орқали олиш мумкин.

«Молодост»га хуш келибсиз! Бу ерда сиз кўркамлик топасиз.

Сартарошлик хизмати комбинати.

ТАШКИЛОТЛАРНИНГ РАҲБАРЛАРИ ВА АҲОЛИ ДИҚҚАТИГА!

Технологик оснастика ва ностандартлашган асбоб-ускуналар тайёрловчи

ТАЖРИБА-ЭКСПЕРИМЕНТАЛ ЗАВОДИ

технологик оснастика (штамплар, прессформалар) ва ностандарт асбоб-ускуналар тайёрлаш, шунингдек шартнома нархлари бўйича аҳоли учун дераза ва балкон панжаралари, тўсиқлар ва ҳоказолар тайёрлаб бериш юзасидан

ХИЗМАТ КЎРСАТАДИ

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Чилонзор райони (УАТ ва механизация базаси территориясида), Гавҳар кўчаси, 151-«а» уй, метронинг «Собир Раҳимов» станцияси).

Театр

НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА — 13/XII да **Сўғд элининг қоғлони**, 14/XII да **Боғчасарой фонтани** (15.00), **Концерт** (19.00 да кичик экспериментал саҳнада).

ҲАМЗА НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА —13/XII да **Келинлар қўзғолони**, 14/XII да **Тақдир эшиги**.

МУҚИМИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА—14/XII да **Табассум оқшоми**.

Кино

13 ДЕКАБРДА

Санъат саройи — «МОНА ЛИЗА» (тоқ соатларда).

Чайка — «ЛИГУРИЯ» КЕМАСИДА ҲАЛОКАТГА УЧРАГАНЛАР (16, 21.00).

ВЛКСМ 30 йиллиги — «ОНАМНИНГ ЖАЗМАНЛАРИ» (жуфт соатларда).

Ватан — «КОМИССАР» (тоқ соатларда ва 20.45 да).

Лисунов номли — «КОМИССАР» (тоқ соатларда).

Восток — «ҲУРМАТЛИ ЕЛЕНА СЕРГЕЕВНА» (16, 18, 20.00).

Тошкент Советининг 50 йиллиги — «ҲУРМАТЛИ ЕЛЕНА СЕРГЕЕВНА» (16, 18, 20, 21.30).

Нукус — «БЎРИЛАР» (тоқ соатларда).

14 ДЕКАБРДА

Санъат саройи — «МОНАЛИЗА» (тоқ соатларда).

ВЛКСМ 30 йиллиги — «АССА» (11, 14, 17, 20.00).

Ватан — «ЯНГИ АМАЗОНКАЛАР» (тоқ соатларда ва 20.45 да).

Лисунов номли — «ҚОНЛИ ТЎЙ» (тоқ соатларда).

Восток — «ҲУРМАТЛИ ЕЛЕНА СЕРГЕЕВНА» (14, 16, 18, 20.00).

Тошкент Советининг 50 йиллиги — «ҲУРМАТЛИ ЕЛЕНА СЕРГЕЕВНА» (16, 18.20, 21.30).

Нукус — «БЎРИЛАР» (тоқ соатларда).

ТОШКЕНТ оқшоми

Узбек ва рус тилларида мустақил равишда нашр этилади.

«Тошкент оқшоми»

(«Вечерний Ташкент») — орган Ташкентского горкома Компартии Узбекистана и городского Совета народных депутатов.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси. Тошкент шаҳри.

РЕДАКЦИЯ АДРЕСИ: 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

ТЕЛЕФОНЛАР: бўлимлар: партия турмуши ва пропаганда — 32-54-19; совет қурилиши ва халқ контроли — 32-54-34; саноат, транспорт ва алоқа — 33-08-74, 32-57-84; шаҳар хўжалиги, савдо ва маиший хизмат — 32-55-39, капитал қурилиш — 32-58-85; фан ва ўқув юртлари — 32-53-10; физкультура ва спорт, ҳарбий-ватанпарварлик тарбияси — 32-55-32; маданият — 32-53-83; ахборот — 33-28-95; хатлар ва оммавий ишлар — 33-29-70; иллюстрация — 32-55-37; жамоатчилик редакцияси — 33-99-42, 32-53-66; «Ташкентская неделя» рекламалар иловаси — 32-56-84; эълонлар — 33-81-42.

Р. — 15920. Якшанбадан ташқари ҳар куни чиқади. Ички саҳифаларга 23.00 да қўл қўйилган. (График бўйича 17.00 да қўл қўйилиши лозим). А. 2296. Тиражи — 108.220. Индекс 64690. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10